

РАМАЗОН ҲАЙИТИ ВА НАВРЎЗ БАЙРАМИ МУБОРАК БЎЛСИН!

Tibbiyotning oliy maqsadi - inson salomatligiga erishishdir

№5-6
(1540)
2026-ЙИЛ
18-МАРТ

О'ЗБЕКИСТОНДА СОГ'ЛИҚНИ САҚЛАШ

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА



t.melo'zbekistondasog'liqni saqlash

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995-YIL OKTABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

ЯНГИЛАНИШ ВА ЯШАРИШ АЙЁМИ

Ҳар йили баҳорнинг илк кунлари – Наврўз байрами орқали табиат уйғониб, янги умидлар, бахт ва хушxabарларни ҳаётимизга олиб келади. Бу муқаддас байрам нафақат табиатнинг янгилиги, балки халқимиздаги эзгулик, меҳр-муҳаббат ва ҳамжиҳатлик руҳини янада мустаҳкамлайди. Наврўз – кўп асрлик тарих ва анъаналаримизда инсонларга тинчлик, бирдамлик ва соғлом ҳаёт қадриятларини ёдга соладиган айёмдир.

Ўзбекистоннинг ҳар бир гўшасида Наврўз – миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз ва оилавий анъаналаримиз билан бирга бахтли дамлар олиб келади. Бу кунлар барчамиз учун янги режаларни амалга ошириш, меҳнатимизда янги ютуқларга эришиш ва ҳаётимизда ижобий ўзгаришларга руҳланиш учун муносиб дамдир. Шунингдек, Наврўз – бир-биримизга меҳр ва эътибор кўрсатиш, ҳамжиҳатлик ва халқпарварликни намоён қилиш учун ҳам муносиб вақтдир.

Ўзбекистон аҳолисини, барча ватандошларимизни ва дунёнинг турли бурчақларида истиқомат қилаётган юртдошларимизни Наврўз байрами билан чин дилимиздан му-

боракбод этамиз. Байрамимиз ҳар бир уйга бахт, шодлик ва фаровонлик олиб кирсин, ҳар бир оилада соғлиқ ва яхши кайфият бўлсин!

Шу муносабат билан, юртимизда инсон ҳаёти ва саломатлиги йўлида фидойиларча меҳнат қилаётган барча тиббиёт ходимларини ҳам алоҳида кутлаймиз. Улар ўз садоқати, меҳнати ва профессионаллик салоҳияти билан аҳоли саломатлигини таъминлаб, халқимиз ҳаётида бекиёс аҳамиятга эга бўлмоқдалар. Байрам кунлари ушбу касб эгаларига мустаҳкам соғлиқ, куч-қувват, бахт ва оилавий фаровонлик тилаймиз.

Наврўзингиз муборак бўлсин!



Наврўз келди – яшнади яна олам!

НАВРЎЗ КЕЛДИ

Наврўз келди, олам яшнар яна,
Қалбларда бир илик туйғу уйғонар.
Қишнинг совуқ излари ҳам тана,
Янги умид билан баҳор бошланар.

Табиат ҳам гўё қулди, яшнади,
Яшил либос кийди ҳар бир дарахт.
Юрт кўнглида қувончлар жамланди,
Бугун яна Наврўз — энг азиз вақт.

ЮРАКЛАРГА ИЛИҚ НУР СОЧАР

Наврўз — яшаришдир, янгилашидир,
Юрақларга илиқ нур сочар дам.
Бу кун — эзгуликнинг бошланишидир,
Одамларга бахт тилайди олам.

Кел, дўстим, бу кунда кўнгил очайлик,
Қадрдонлар билан бўлайлик яқин.
Наврўз — меҳр билан боғланган байрам,
Унда яшайди инсонийлик, ҳақиқ.

ЮРТДА ҚУВОНЧ

Яна баҳор келди, яна Наврўздир,
Юртда қувонч, кўнгилларда нур.
Она замин яна нафас олгандек,
Ҳар бир дилда яшайди бир ғурур.

Сумалаклар қайнайди сахардан,
Қўшиқлар янграйди маҳалла тўла.
Бу байрам — халқимнинг қалбидир асл,
Меҳр-окибатга тўлган бир йўла.

БАҲОР ТАРОНАСИ

Баҳор келди, диллар яна яшнар,
Гуллар билан тўлди яна боғлар.
Қуёш қулди, нуруни сочиб кенг,
Юртда янги орзулар бошлар.

Наврўз — аёл қалби каби нафис,
Меҳрга тўла ҳар бир нафаси.
Бу кун — табиатнинг шеърини садоси,
Инсон қалбининг энг пок нафаси.

ТАБИАТ НАФОСАТ БЕРДИ

Наврўз келди — яшнади яна олам,
Қиш излари чекинди, кетди нолам.
Қуёш нуруни сочиб қулди кенг жаҳон,
Баҳор билан уйғонди ҳар бир инсон.

Дарахтлар ҳам яшил либосга кирди,
Гуллар очиб, табиат нафосат берди.
Қушлар қайтиб, қўшиқ айтар сахар,
Бу кун қалбга бағишлайди қанча зафар.

Маҳаллалар тўла шодлик, қувончга,
Сумалаклар қайнайди эзгу ниятга.
Қариялар дуо қилар, ёшлар кулар,
Наврўз — меҳр-окибатга тўлган кунлар.

Янгилашиш, эзгуликнинг бошланиши,
Инсон қалбин поклайди ҳар бир нафаси.
Келинг, бу кун қўл узатайлик бир-бирга,
Наврўз — бахт ва умид элтар дилларга.

УНДА ЯШАЙДИ ИНСОНИЙЛИК ҲАМ

Яна баҳор — яна янги орзулар,
Юрт қўксига уйғонар эзгу туйғулар.
Наврўз нафаси келиб ҳар хонадонга,
Барака олиб кирар ҳар бир инсонга.

Қадим анъана — сумалакнинг хиди,
Она қўлидаги меҳрнинг изи.
Бир қозонда қайнайди орзу, ният,
Бирлаштиради барчани бу саодат.

Кўчаларда болалар кулгуси янграр,
Қўшиқларга қўшилиб диллар ҳам тинглар.
Бу байрам — қалбларни яқин этар дам,
Унда яшайди инсонийлик ҳам.

Наврўз — бу фақат фасл эмас, ҳаёт,
Янгилашиш, покланиш, эзгу бир баёт.
Келинг, асрайлик шу муқаддас онни,
Бахтга тўлдириб юрт ва ҳар бир жонни.

Тадбир

СОҲАДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ НАТИЖАЛАРИ ТАНҚИДИЙ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Яқинда соғлиқни сақлаш соҳасида коррупцияга қарши курашишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Соғлиқни сақлаш вазири Асилбек Худаяров олиб борган тадбирда тизимда аниқланган коррупцион ҳолатлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари, олдини олиш чоралари бўйича ўрганиш натижалари танқидий кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари 2025 йил 26 декабрда Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида 2026 йил коррупцияга қарши курашишда “фавқулодда ҳолат” эълон қилинишни айтган эди. Шундан келиб чиқиб, тиббиёт тизимида бу йўналишда замонавий механизмларни кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Масалан, соҳада бюджет маблағларининг мақсадсиз сарфланиши ҳамда коррупциявий рискларни эрта аниқлаш ва уларга чек қўйиш мақсадида янги тизим — “Ситуацион марказ” фаолияти йўлга қўйилди.

Вазирлик қошида манфаатлар тўқнашуви ва коррупция ҳолатлари бўйича тезкор хабар бериш бўйича ягона “1203” қисқа рақамли “Call-марказ” 24/7 режимда ишга туширилди.



Соғлиқни сақлаш тузилмалари ва уларнинг ходимлари томонидан қонунчиликка риоя қилиниши, соҳа мутахассисларининг аҳоли билан муомала қилиш этикети даражасини баҳолаш мақсадида илк бор “Сирли мижоз” институти жо-

рий этилди. Соҳа масъуллари коррупциянинг олдини олиш бўйича ўқитилди. Ўз навбатида, “CERT International” халқаро аудитор ташкilotи томонидан вазирлик марказий аппаратида коррупцияга қарши бошқарув тизими халқаро стандарти (ISO 37001:2016) мувофиқлик сертификати топширилгани муҳим воқеа бўл-

тўсиқлар яратилиб, таъмагирлик ҳолатларига йўл қўйилаётгани, ачинарлидир. Қолаверса, туғруқ муассасалари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан мурожаатлар, афсуски, камаймаяпти. Ҳомилдорлар ва уларнинг яқинларидан “суюнчи” пули” олиш, кесарча кесиш амалиёти учун “хизмат ҳақи” сўраш

олдини олишга бағишлаб ўтказилган йиғилишга фаол ёшлар ҳам таклиф этилиб, уларда бу иллатга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга алоҳида урғу берилди.

Йиғилиш якунида коррупцияга қарши ишларни янада кучайтириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, давлат харидлари ва кадрларни ишга



ди. Бирок, бу саъй-ҳаракатлар етарли эмас. Чунки соҳада коррупцион ҳолатлар ҳамон учрамоқда. Масалан, қатор тиббиёт муассасаларида, хусусан, Республика тез тиббий ёрдам маркази Тошкент шаҳар филиалида ходимларни ишга қабул қилишда сунъий бюрократик

каби ноқонуний хатти-ҳаракатлар учрамоқда. Мулоқотда аниқланган ҳолатлар бўйича ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан суриштирув-тергов ишлари олиб борилаётгани эслатиб ўтилди.

Соғлиқни сақлаш тизимида коррупциявий ҳолатларнинг

қабул қилиш тизимларида янада шаффофликни таъминлаш ҳамда тиббиёт муассасалари раҳбарларида менежментлик салоҳиятини ошириш, бу жараёнларда жамоатчилик назоратини ўрнатиш юзасидан масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.

АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ БЎЙИЧА ЯНГИЧА ТИЗИМ ЯРАТИЛАДИ

Соғлиқни сақлаш вазирлигида Тиббиётдаги ислохотлар ва уларнинг натижадорлигини мувофиқлаштирувчи штаб йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Соғлиқни сақлаш вазири Асилбек Худаяров олиб борди. Тадбирда Президент Администрацияси масъуллари, вазир ўринбосарлари, “Соғлиқни сақлаш лойиҳалари маркази” лойиҳа офиси ҳамда вазирликнинг тегишли бошқарма бошлиқлари иштирок этди.

Жойлардаги студиялардан барча ҳудудий бошқармалар, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари, тажриба-синов лойиҳаси амалга оширилаётган ҳудудларга бириктирилган ихтисослаштирилган марказлар, республика тасарруфидаги шифохоналар масъуллари уланди.

Кун тартибидаги биринчи масала жорий йилнинг 13 март куни Президентимиз раислигида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш ва жамоатчилик фикрини чуқур таҳлил қилиш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижросига бағишланди.

Ўтган йил давомида вазирлик ҳамда унинг тизимидаги ташкилотларга жисмоний ва юридик шахслардан жами 88 414 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 67 фоизи қаноатлантирилган, 32 фоизи бўйича тегишли тушунтиришлар берилган, 445 таси рад этилган. Энг кўп мурожаатлар даволаш ишларини ташкил этиш (24 фоиз), тиббий-мехнат экспертизаси ва ногиронликни белгилаш (14 фоиз), соғлиқни сақлаш ходимларининг хатти-ҳаракатлари бўйича (13 фоиз), тиббиёт ускуналари ва дори-дармон билан таъминлаш (7 фоиз) масалаларига тўғри келган.

Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона, Наманган вилоятлари соғлиқни сақлаш

бошқармалари ҳамда Қамаш, Давлатобод, Олтиарик, Ёзёвон, Шеробод, Қўнғирот туман тиббиёт бирлашмаларида мурожаатларни кўриб чиқиш муддатига амал қилинмаган. Шунингдек, айрим туман ва шаҳарларда мурожаатлар сони аввалги йилларга нисбатан сезиларли даражада ортган. Хусусан, Денов, Яшнобод, Деҳқонобод, Юнусобод, Олмазор туманлари, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Чирчиқ шаҳарлари бу рўйхатда етакчи ўринларда қайд этилган. Шундан келиб чиққан ҳолда вазир бошчилигида мазкур ҳудудларда мурожаатчилар билан сайёр қабуллар ўтказиш белгиланди.

Ўз навбатида, давлатимиз раҳбари топшириғи асосида соҳада бўлаётган эътирозларни камайтириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланиб, белгиланган чора-тадбирлар бўйича брифинг ташкил этилиши маълум қилинди.

“Энди ҳеч бир мурожаат эътибордан четда қолмайди, – деди вазир. – Бу борада сусткашликка йўл қўйган масъуллар қатъий жазоланади. Ҳар чоракда олинган таҳлиллар асосида уларни кел-

тириб чиқарувчи омиллар ўрганилади ва ечимини таъминлаш бўйича зарур чоралар кўрилади.

Йиғилиш кун тартибидаги иккинчи масала – тажриба-синов лойиҳаси амалга оширилаётган ҳудудларда соғлиқни сақлашнинг янги моделини жорий этиш жараёнида аниқланган камчиликлар юзасидан “Соғлиқни сақлаш лойиҳалари маркази” лойиҳа офиси раҳбари Элдор Адилонинг ҳисоботи тингланди. Ҳар икки масала юзасидан сусткашлик ва масъулиятсизликка йўл қўйган тегишли раҳбарларга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилиши маълум қилинди. Ўз навбатида, ижтимоий реестрда турган эҳтиёжманд беморларни “Вақф” хайрия жамоат фонди ҳамда “Саховат ва кўмак” жамғармаси томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан саломатлигини тиклаш, уларда мураккаб жарроҳлик амалиётларини ўтказиш ҳолати таҳлил қилинди.

Яқинда кун тартибидаги масалалар юзасидан масъулларга тезкор ва аниқ топшириқлар берилди.

■ Муносабат

АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ ХАЛҚ – МАНФААТЛАРИНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, халқ манфаатларини таъминлаш ва давлат идораларини аҳолига янада яқинлаштириш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотлар, айниқса, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

К уни кеча давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилиши айнан шу масалага бағишланди. Унда мамлакатимизда аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизими, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этишнинг мутлақо янги ёндашувлари атрофлича муҳокама қилинди. Йиғилишда белгиланган вазифалар нафақат давлат идоралари, балки бутун жамият учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар халқ манфаатларини таъминлашга хизмат қиладиган янги тизимни шакллантиришга қаратилгани билан эътиборлидир.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолиси 38 миллиондан ошди, меҳнатга лаёқатли аҳоли эса 20 миллиондан ортиқни ташкил этмоқда. Сўнгги тўққиз йил давомида аҳоли даромадлари икки баробарга ошгани, маҳаллаларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва турмуш шароитини яхшилашга жорий йилнинг ўзида 56 триллион сўм маблағ ажратилаётгани юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг натижасидир.

Бироқ давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, фақат маблағ ажратиш ёки дастурлар қабул қилиш билан чекланиб қолиш мумкин эмас. Энг муҳим масала – бу ресурслар аҳолининг ҳаётида қандай ўзгариш ясапти, одамлар ўз муаммолари ечимини қай даражада топмоқда, деган саволларга аниқ жавоб беришидир. Шу нуктаи назардан қараганда, аҳоли мурожаатлари давлат бошқаруви самарадорлигини баҳолайдиган энг муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

2017 йилда ташкил этилган Халқ қабулхоналари мамлакатимизда давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлашда муҳим институт сифатида шаклланди. Бу тизим орқали фуқаролар ўз муаммоларини бевосита давлат органларига етказиш имкониятига эга бўлди.

Агар дастлабки йилларда мурожаатларнинг 90–95 фоизи шикоят шаклида бўлган бўлса, бу-

гунги кунда бу кўрсаткич 60–65 фоизга тушгани аҳолининг давлат идораларига бўлган ишончи ортиб бораётганини кўрсатади. Шу билан бирга, бугунги кунда фуқаролар фақат шахсий муаммоларини эмас, балки маҳалласидаги инфратузилма, ижтимоий хизматлар сифати ва ҳаёт шароитларини яхшилашга қаратилган таклифлар билан ҳам мурожаат қилмоқда. Бу эса мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари мустаҳкамланаётганини, одамлар ўз худудининг ривожига бефарқ эмаслигини англатади.

Йиғилишда қайд этилганидек, мамлакатимизда ҳар ўн минг аҳолига ўртача 319 та мурожаат тўғри келади. Бироқ айрим худудларда бу кўрсаткич анча юқори. Масалан, Тошкент шаҳрида ҳар ўн минг аҳолига 535 та мурожаат тўғри келмоқда. Навоий, Сирдарё, Сурхондарё, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида ҳам мурожаатлар сони нисбатан юқори экани қайд этилди. Айрим туман ва шаҳарларда мурожаатлар сони бошқа худудларга нисбатан икки баробар кўплиги ҳам таҳлил қилинди. Бу ҳолатлар маҳаллий бошқарув тизимида айрим муаммолар сақланиб қоллаётганини кўрсатади. Шу билан бирга, мурожаатлар сони айрим худудларда камайгани ҳам қайд этилди. Масалан, Қорақалпоғистон, Андижон, Қашқадарё, Хоразм ва Сирдарё вилоятларида ҳокимлар Халқ қабулхоналари фаолиятига шахсан раҳбарлик қилгани натижасида мурожаатлар 25–30 фоизга камайган. Бу эса раҳбарлар масалага бевосита эътибор қаратса, ижобий натижаларга эришиш мумкинлигини кўрсатади.

Йиғилишда илгари сурилган энг муҳим ғоялардан бири – мурожаатни фақат ҳал қилиш билан чекланмасдан, унинг келиб чиқиш сабабларини баргараф этишдан иборат. Масалан, алимент билан боғлиқ мурожаатлар мисолида бу ҳолат яққол кўринди. Ўтган йили бу масала бўйича 70 мингта яқин мурожаат келиб тушган. Мажбурий ижро бюроси алиментни ундириш бўйича чора кўраётган бўлса-да, алимент тўловчиларнинг расмий

даромади бўлмагани сабабли мурожаатларнинг 30 фоизи ҳал этилмай қолмоқда.

Президентимиз бу муаммони ҳал қилиш учун маҳаллий ҳокимликлар, бандлик хизматлари ва маҳалла институтлари биргаликда ишлаб, алимент тўловчиларни иш билан таъминлаш, касбга ўқитиш ва ҳатто хорижда ишлаш имкониятларини яратиш каби комплекс чораларни амалга ошириш зарурлигини таъкидлади. Бундай ёндашув фақат мурожаатлар сонини камайтирибгина қолмай, юзлаб оилаларнинг ижтимоий аҳволини яхшилашга хизмат қилади.

Йиғилишда энергетика, йўл ва сув инфратузилмаси билан боғлиқ масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. 2025 йилда ушбу соҳалар бўйича 109 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушгани қайд этилди. Айниқса, айрим туман ва шаҳарларда инфратузилма билан боғлиқ муаммолар кўпайгани маълум қилинди. Бу масалаларни ҳал қилиш учун жорий йилда 20 триллион сўм маблағ ажратилган.

Президентимиз бу маблағларни биринчи навбатда аҳоли энг кўп шикоят қиладиган маҳаллаларга йўналтириш зарурлигини таъкидлади. Чунки одамлар учун энг муҳим масала – бу кундалик ҳаётига таъсир қиладиган муаммоларнинг тезкор ҳал этилишидир. Йиғилишда янги тизим қандай ишлаши Қарши шаҳри мисолида атрофлича тушунтириб берилди. Халқ қабулхонасига келган 11 мингта мурожаат чуқур таҳлил қилиниб, ҳар бир муаммо бўйича аниқ чоралар белгиланди. Масалан, алимент масаласида ишсиз фуқароларни ишга жойлаштириш, маош кечикиши билан боғлиқ ҳолатларда корхоналар молиявий аҳволини таҳлил қилиш, коммунал хизматлар бўйича шикоятлар келиб тушган маҳаллаларда бошқарув компаниялари билан бевосита ишлаш каби чоралар кўрилмоқда. Шунингдек, уй-жой масалаларида банклар ва девелоперлар билан ҳамкорликни кучайтириш, ижтимоий ёрдам сўраган оилаларни комплекс қўллаб-қувватлаш ҳам назарда тутилган. Бу ёндашув ҳар бир мурожаат ортида турган ижтимоий муаммони чуқур таҳлил қилиш ва уни тизимли ҳал этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Йиғилишда мурожаатлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш учун янги назорат механизмлари ҳам жорий этилиши белгиланди. Хусусан, Президент Администрациясида мурожаатларни тизимли таҳлил қилувчи алоҳида гуруҳ ташкил этилади.



Давлат идораларининг мурожаатлар билан ишлаш самарадорлиги бўйича рейтинг тизими жорий қилинади ва ҳар олти ойда эълон қилиб борилади. Шу билан бирга, “Рақамли маҳалла” тизими Президент виртуал қабулхонаси билан интеграция қилинади. Бу эса мурожаатларни тезкор кўриб чиқиш ва уларнинг ечими устидан назоратни кучайтиришга хизмат қилади.

Президентимиз таъкидлаганидек, ҳар бир раҳбар “Ҳар бир инсон ва ҳар бир хонадон муаммосини билиб, вақтида кўмак бериш” тамойили асосида ишлаши зарур. Бу ёндашув давлат бошқарувида янги маданиятни шакллантиради. Яъни раҳбарлар фақат ҳисобот бериш билан чекланмай, одамлар ҳаётида реал ўзгаришлар қилиш учун масъул бўлади. Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган мазкур чора-тадбирлар давлат ва жамият ўртасидаги ишончни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Энг муҳими, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири, оила манфаати ва жамият фаровонлиги турганини унутмаслик зарур. Шу маънода, Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифалар халқимиз ҳаётини янада фаровон қилишга, одамлар оғирини енгил қилишга ва мамлакатимизда адолатли, самарали бошқарув тизимини мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан алоҳида аҳамиятга эгадир. Таъкидлаш лозимки, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштиришда парламентнинг ўрни ва масъулияти ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Парламент – бу халқ манфаатларини ифода этувчи олий вакиллик органи бўлиб, фуқароларнинг дарди, эҳтиёжи ва таклифларини давлат сиёсатига айлантиришда муҳим институционал механизм ҳисобланади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайлов округларида аҳоли билан мунтазам мулоқот қилиб, уларнинг муаммоларини ўрганиш, му-

урожаатларни таҳлил қилиш ва улар асосида қонунчилик ташаббусларини илгари суриш вазифасини амалга оширади. Шу жиҳатдан қараганда, аҳоли мурожаатлари нафақат ижтимоий муаммоларни аниқлаш воситаси, балки қонунчилик фаолияти учун ҳам муҳим манба ҳисобланади.

Президентимиз томонидан белгиланган вазифалар парламент назорати механизмларини янада кучайтириш зарурлигини ҳам кўрсатмоқда. Хусусан, вазирлик ва идоралар фаолиятини парламент эшитувлари, қўмита йиғилишлари ва депутатлик сўровлари орқали таҳлил қилиш, мурожаатлар сони кўп бўлган соҳалар бўйича манзилли чоралар кўриш муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, халқ вакиллари жойлардаги муаммоларни ўрганишда маҳалла институтлари, фуқаролик жамияти ташкилотлари ва аҳоли билан яқин ҳамкорликда иш олиб бориши зарур. Бу эса давлат органлари ва жамият ўртасидаги мулоқотни янада мустаҳкамлайди.

Парламентнинг яна бир муҳим вазифаси – мурожаатлар таҳлили асосида қонунчиликни такомиллаштиришдан иборат. Чунки амалиётда учраётган кўплаб муаммолар айрим ҳуқуқий нормаларни такомиллаштиришни талаб қилади. Шу боис, аҳоли мурожаатлари қонунчилик ташаббуслари учун муҳим асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Шу маънода, парламент вакиллари томонидан жойларда ўрганилган муаммоларни тизимли равишда таҳлил қилиш, уларни қонунчилик ташаббуслари орқали ҳал этиш ҳамда давлат органлари фаолияти устидан самарали парламент назоратини амалга ошириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Севара УБАЙДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,

■ Устозга эҳтиром

ИНСОН УМРИ – ЭЗГУ АМАЛЛАР

Инсон умри – Оллоҳ томонидан берилган буюк неъматдир. Бу умрнинг узун ёки қисқалиги тақдир томонидан белгилаб қўйилса-да, ҳаётнинг ҳақиқий қадри фақат йиллар билан ўлчанмайди. Балки инсоннинг қандай яшаб ўтгани, қандай эзгу амаллар қилгани, қанча одамга наф келтиргани билан баҳоланади.



ака шу фарзандларнинг саккизинчиси бўлиб, оиладаги муҳаббат ва билим муҳити уларнинг келажакдаги касбий йўлини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этди. Укалари Абдулло эса беш ёшлигида вафот этган. Оилада тарбия ва илмга бўлган эътибор жуда катта эди. Тўрт нафар фарзанднинг профессор да-

АКАНИНГ МЕҲРИ ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШИ

Абдувоҳид Содиковичнинг катта акаси, Восилжон ака ёшлигидан оталарига қўмақдош бўлиб, оиладаги барча фарзандлар ва жиянлар тақдирида муҳим ўрин тутдилар. У нафақат маънавий тарбияда, балки опа-укаларини олий маълумотли, уй-жойли ва ҳаёт йўлларида топиб кетишларида мустаҳкам пойдевор бўлдилар. Оиладаги ана шундай маънавий ва руҳий қўллаб-қувватлаш орқали Абдувоҳид ака шифокорлик касбида етукликка эришдилар. Албатта, бунда Восилжон аканинг ҳиссалари бекиёс бўлди.

ШИФОКОРЛИККА БАҲШИДА УМР

Профессор Абдувоҳид Содиков сил касаллиги бўйича мутахассис сифатида 60 йилдан бўён фаолият юритиб келмоқдалар. Ўз касбининг мохир устаси меҳнат фаолиятини кичик тиббий ходим сифатида бошлаб, кейинчалик бош шифокор, Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи каби масъул лавозимларда ишладилар. Шунингдек, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати сифатида ҳам фаолият юритдилар. Камтарин инсоннинг раҳбарлик тажрибаси 30 йилдан ортик вақтни қамраб олади. Устоз Собик Иттифок даврида “ВДНХ кумуш медали” билан тақдирландилар. 1990 йилда эса Марказий Осиёда биринчи бўлиб, Европа ўпка касалликлари жамияти аъзоси бўлишга муваффақ бўлдилар.

Мустақил Ўзбекистон даврида эса уларнинг хизматлари муносиб эътироф этилиб, “Меҳнат шухрати” ордени, “Конституциянинг 25 йиллиги” кўкрак нишони, “Биринчи даражали Меҳнат фахрийси” каби давлатимизнинг юксак мукофотлари, қолаверса, “Соғлиқни сақлаш аълочилиги” кўкрак нишони билан тақдирландилар.

ИЛМ ВА ШОГИРДЛАР МАКТАБИ

Айни пайтда Абдувоҳид Содикович Ш. Алимов номидаги Фтизиатрия ва

Давоми 5 –бетда ►

Устоз ҳақида

Мен профессор Абдувоҳид Содикович Содиковни кўп йиллардан бери яхши билман. У нафақат юксак илмий салоҳиятга эга забардаст олим, балки ҳақиқий инсонийлик, камтарлик ва меҳр-оқибат намунаси ҳисобланади. Ҳар бир ходим ва талабасига меҳр билан ёндашиб, уларнинг билим ва маънавий ривожига катта ҳисса қўшади. Беморлар ва шифокорларга бўлган муносабати, касбга садоқати, фидойилиги ва халқпарварлиги билан ҳамшиша илҳом манбаи бўлган устозим – мен учун ҳақиқий ибрат мактабидир.

Фаррошдан тортиб ҳамшира ва хўжалик ходимларигача ҳар бир ходимнинг исмини билар, уларнинг дарди ва ташвишларини тинглар, қўлларидан келган ёрдамни аямас эдилар. Эрталаб соат 6:30–7:00да шифохонада навбатчилик ва ҳисоботларни шахсан қабул қилиш, кечаси тўсатдан текшириш ва зарур маслаҳатларини бериш — устознинг кундалик одатлари эди. Янги йил арафасида ҳам ходимларни байрам билан табриқлаб, уларга совга-салом олиб келар эдилар.

1994 йилда Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи бўлиб тайинлангандан сўнг ҳам, камтаринлиги ва халқпарварлиги билан барча ходимларнинг ҳурматини қозондилар. Вилоят сафарларида уларнинг жонкуярлиги ва ёш мутахассислар тайёрлашдаги фидойилигига гувоҳ бўлдик. Профессор Абдувоҳид Содикович Тошкент вилоятида барча соҳаларга эътибор қаратган ҳолда, туберкулёзга қарши курашда замонавий усуллар жорий қилди, муассасаларни ЖССТ талабларига мувофиқ реконструкция қилди ва ёш мутахассисларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратди.

Илмий фаолиятда ҳам устоз нафақат республикада, балки жаҳон миқёсида илк бор туберкулёзда ирсий омилларни ўрганди, Москвадан олиб келган гаптоглобин фенотипларини аниқлаш усули орқали ёш олимлар учун қўлланма яратди. У нафақат билим бериб, балки ўз ҳаётини тажрибалари билан талабаларни маънавий етук инсон сифатида тарбиялашга ҳисса қўйди. Шу боисдан бўлса керак, талабалар ҳалигача устозни ҳурмат билан «Профессор дода» деб атайдилар.

Азиз устозим, Сизга соғлиқ, узоқ умр, оилавий бахт ва тинчлик тилайман. Илмий ва амалий фаолиятингиз бардавом бўлсин. Сиз каби инсониятга меҳр ва илмни уйғунлаштирган устозлар узоқ умр ва бахтли ҳаётга муносибдирлар!

Ф. ТОШПҲАТОВА,

Тошкент давлат тиббиёт университети юқумли касалликлар, болалар юқумли касалликлари, фтизиатрия ва пульмонология кафедраси доценти, тиббиёт фанлари доктори.

Сиддик қори ака ва Афиҳон аяларга 9 нафар фарзанд неъматини ато этди, икки қиз ва етти ўғил. Абдувоҳид

ражасига эришгани бу оиланинг илмга бўлган муносабатини янада яққол кўрсатади.

Айниқса, инсон саломатлигини асраш, беморларга шифо улашиш, уларнинг умрига умр қўшиш каби савобли ва масъулиятли касб эгалари жамиятда доимо юксак ҳурматга сазовор бўлиб келган. Шифокорлик –бу оддий касб эмас, балки инсонпарварлик, сабр-тоқат ва юксак фидойиликни талаб қиладиган шарафли хизматдир.

Мен бу мақола қахрамони –тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдувоҳид Содикович Содиков билан бир неча бор суҳбат куриш, у кишининг ҳаёт йўли ва фаолияти ҳақида бевосита ўзларидан эшитиш бахтига муяссар бўлганман. Суҳбатлар давомида Абдувоҳид Содиковичнинг камтарлиги, илмга садоқати ва касбига бўлган меҳри мени қўлларимга қалам олиб, ушбу мақолани ёзишга ундади, десам муболаға бўлмайди.

ШАРАФЛИ ОИЛАДАН ЧИҚҚАН ФАРЗАНД

Абдувоҳид Содиковичнинг оталари –Сиддик қори ака 1898 йилда Тошкентнинг Эски Жува даҳасида, оналари –Афиҳон ая эса 1905 йилда пойтахтимизнинг Зарқайнар маҳалласида таваллуд топганлар. Оталари ёшлигидан Кўкалдош мадрасасида таҳсил олиб, 12–13 ёшларидаёқ мураббат қори бўлиш даражасига эришдилар. Мадрасада бўлгуси Муфтий Зиёвуддин Эшон Бобоҳон билан бирга таълим олганлари эса уларнинг ҳаётида алоҳида ўрин тутади. Кейинчалик бу дўстлик ришталари қудачилик билан янада мустаҳкамланди.

БИЛАН ЎЛЧАНАДИ

пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази етакчи илмий ходим сифатида фаолият юритмоқдалар. Шу билан бирга, Тошкент давлат тиббиёт университети талабаларига сабоқ бериб, уларнинг сеvimли устозларидан бири бўлиб келмоқдалар. Бундан ташқари, нуфузли “ЕМУ” хусусий тиббиёт университетининг иктидорли талабалари учун “Профессор Содиков А.С.” номли стипендия жорий этилди. Тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдувоҳид Содикович бир қатор дарсликлар, услубий қўлланмалар ва монографиялар муаллифи ҳисобланадилар. Олимнинг илмий ишлари ва амалий тажрибаси Республика миқёсида кўплаб шогирдлар этишиб чиқишига хизмат қилди.

ОИЛА – ИНСОННИНГ ЭНГ КАТТА ТАЯНЧИ

Абдувоҳид аканинг эришган ютуқларида турмуш ўртоқлари – олий тоифа-



ли педагог Шоирахон хожи онанинг хизматлари алоҳида эътирофга лойиқ. Фарзандлар тарбияси, илм олиши ва ҳаётда ўз ўрнини топишида Шоирахон аянинг меҳнатлари бекиёсдир. Айниқса, Абдувоҳид аканинг хизмат сафарлари ва Москвадаги беш йиллик доктор-

Профессия врача – это подвиг

Трудно переоценить значение медицины в жизни человека и человечества в целом. Неудивительно, что от представителей самой гуманной профессии ежедневно, ежечасно требуются верность профессиональному долгу, человеческая и нравственная стойкость. Всеми этими качествами обладает доктор медицинских наук, профессор Садыков Абдувахид Садыкович, призванием которого является медицина, а точнее – фтизиатрия. Это человек, обладающий широкими фундаментальными знаниями, большим клиническим и научным опытом, удивительной способностью сострадать людям. В силу своей работы он воспитывает новые поколения врачей, передавая им свои знания, принципы преданности делу восстановления здоровья человека. Всегда буду помнить помощь Абдувахид Садыковича в подготовке к защите моей кандидатской диссертации. Он был моим оппонентом на защите диссертации. Пока он изучал диссертацию и готовил рецензию на нее, мы с моим руководителем, профессором Казаковым Константином Семеновичем, несколько раз встречались с профессором, обсуждая слабые и сильные стороны моей диссертации. Он предложил как лучше преподнести сложную информацию, чтобы присутствующим на защите было все ясно и понятно, давал дельные советы по уточнению некоторых положений и выводов.

Абдувахид Садыкович, как истинный ученый и профессионал, всегда пишет рецензии на диссертации, несмотря на свою занятость. Его замечания и выступления всегда отличаются от других: они всегда продуманы, искренни, имеют собственную оценку автора, высокопрофессиональны. Этим и ценны его выступления.

А. Садыков является автором многочисленных исследований, монографий и учебных пособий, что подтверждает статус ученого; совмещает работу в Республиканском специализированном научно-практическом

медицинском центре фтизиатрии и пульмонологии им. Ш.Алимова с преподавательской деятельностью в Ташкентском государственном медицинском университете и в EMU University воспитывая новые поколения врачей. В последующие годы, по профессиональной линии, мы часто встречались с Абдувахидом Садыковичем на семинарах, съездах, конференциях, обществах, а также во время мониторинговых визитов. И, нужно сказать, что он один из тех немногих опытнейших фтизиатров, который душой болеет за службу, который знает все нюансы, тонкости работы и делает все возможное, чтобы рейтинг нашей профессии был на высоком уровне.

За весомый вклад в научную деятельность, многолетний плодотворный труд, активное участие в общественной жизни учёный награждён орденом “Меҳнат шухрати”, нагрудными знаками «Меҳнат фахрийси», «Отличник здравоохранения». Несмотря на свои высокие звания, профессор является очень скромным и интеллигентным человеком и никогда не стесняется обращаться за разъяснением ситуации, в которой он недостаточно хорошо разбирается к нижестоящему по званию и должности врачу (в частности ко мне).

Хочется отметить, что Абдувахид Садыкович является крупным ученым, на счету которого сотни научных публикаций; хорошим и мудрым руководителем, которого уважают и ценят не только его сотрудники, но и многие коллеги из клиник других республик; истинным врачом, который спас жизни тысячам больным с такой тяжелой и страшной болезнью, как туберкулез. Ученый, который и в свои 80 лет не перестает работать и заниматься исследованиями, является примером для каждого из нас.

Вера БЕЛОЦЕРКОВЕЦ,
кандидат медицинских наук, врач высшей категории.

антура даврида оилавий масъулиятни муносиб тарзда адо этганлари бунини янада яққол кўрсатади.

Бугунги кунда Абдувоҳид хожи ота ва Шоирахон хожи она 4 нафар фарзанднинг меҳрибон ота-онаси, 11 нафар набира ва 14 нафар аверанинг эъзозли бобожониси ва бувисидирлар.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Ҳар бир инсон ҳаётида ўтган йиллардан кўра, у қолдирган эзгу амаллар муҳимроқдир. Кимдир ўз меҳнати, фидойилиги ва инсонийлиги билан минглаб инсонлар ҳаётига нур олиб қиради.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдувоҳид Содикович Содиков ана шундай инсонлардан. Таниқли олим умрини халқ саломатлигига хизмат қилишга, илм-фан ривожига ва шогирдлар тарбиясига бағишлаган фидойи устоз сифатида алоҳида эҳтиромга сазовордир. Бундай инсонларнинг ҳаёт йўли – ёш авлод учун ибрат мактаби, меҳнат ва садоқат намунасидир. Устознинг амаллари, шогирдлари ва илмий мероси келажак авлодларга ҳам хизмат қилиб, улғ инсоннинг номини узоқ йиллар давомида ёдда сақлаб туради.

Фурсатдан фойдаланиб, устоз профессор Абдувоҳид Содиковични қутлуғ 80 ёшлари билан самимий қутлаб қоламиз.

Ибодат СОАТОВА,
журналист

Эзгу тилакларим сизларга!

Саломатлик – туман бойлик эканини, тананга дард илашганда яхши билар экансан. Тўрт йилдан буён қандли диабетдан даволаниб келаман.

Ҳамма қатори вилоят эндокринология шифохонасига қатнайман. Текширтираман, муолажа ва маслаҳатлар оламан. Зарур дори-дармон сўраб мурожаат этаман.

Шунинг учун қонимдаги қанд миқдори кескин кўпайиб кетишига йўл бермайман, десам асло янглишмайман. Албатта, менинг асосий халоскорларим шу ердаги меҳридарё шифокорлардир.

Бўлим мудир Наргиза Тожимирзаева, врач Нилуфар Турдиалиева, катта ҳамшира Ўтибор Мираҳмедова, ҳамширалар Хуснида Каримова, Маъмура Гапарова, Наргиза Ҳақимова, Муҳаббат Мамажановалар ҳамда

бўлим бекаси Гулчехра Сайдуллаеваларнинг муомаласига ҳам, муолажасига ҳам асло гап йўқ. Улар ҳар гал очик чехра билан кутиб олишади, нимаики лозим бўлса, шуни ҳеч аяшмайди.

Давлатимизнинг биз каби хастахолларга алоҳида эътибору ғамхўрлигидан баҳраманд бўлгач, шундай юртда яшаётганингдан фахр туяр экансан. Бунинг учун Юртбошимизга ҳам, тиббиётчиларга ҳам мингдан-минг раҳматлар айтсак арзийди.

Зоҳиджон БОЙМИРЗАЕВ,
Наманган вилояти, Норин тумани.

■ Учрашув

“ВАЗИР ВА ЁШЛАР” УЧРАШУВИ ЎТКАЗИЛДИ



Яқинда Президентимизнинг ёшлар билан бўлиб ўтган очик мулоқотида ҳар ҳафтанинг пайшанба кuni вазирлик, идора ва ҳокимликларда “Ёшлар кuni” деб эълон қилиниши ҳамда “Раҳбарлар ва ёшлар” форматида учрашувлар ўтказилиши қайд этилганди.

Ана шу топширик ижроси доирасида Соғлиқни сақлаш вазири Асилбек Худаяров Тошкент давлат тиббиёт университетида бўлди. Бу ерда талаба-ёшлар билан

ташқил этилган учрашувда навқирон авлод вакиллари ташқил ва ташаббусларига кулоқ тутилди. Тиббиёт соҳасида ёш мутахассислар учун яратилган имкониятлар ҳақида сўз юритилди.

“Сизларнинг ҳар бир ташаббусингиз, инновацион ғоянги ва фикрингиз мен учун муҳим, – деди вазир. – Биз очик мулоқот тарафдоримиз. Муаммо

бўлса, биргаликда ҳал қиламиз, таклифларни ҳамжиҳатликда амалга оширамиз. Зотан, Янги Ўзбекистоннинг Учинчи Ренессанс даврида тиббиёт энг етакчи соҳалардан бирига айланиши, шубҳасиз. Бу жараёнда сизлар – бугунги талаба, эртанги шифокорлар ҳал қилувчи куч бўласиз.

Тадбирда талабалар ва ёш шифокорлар ўзларини қи-

зиктирган саволлар билан вазирга муурожаат қилди. Соҳани янада ривожлантиришга доир фикр ва таклифларини билдирди.

Очик мулоқотда айтилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаоллигини ошириш ҳамда келгусидаги ислохотлар юзасидан фикр алмашилди.

@ssvuz

■ Халқаро ҳамкорлик

ҲАМЖИҲАТЛИКНИНГ МАҚСАДЛИ МАНЗИЛЛАРИ

Жорий йилнинг 13 март кuni Швейцариянинг Женева шаҳридаги Халқаро меҳнат ташкилотининг штаб-квартирасида Марказий Осиё мамлакатлари соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари делегациялари ва Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнаткашлар фаолияти бўйича бюроси (ACTRAV) ўртасида учрашув бўлиб ўтди.



Учрашувда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон тармоқ касаба уюшмалари вакиллари иштирок этди. Ўзбекистон делегациясига Фарходжон Хананияев, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси республика Кенгаши раиси, Марказий Осиё мамлакатлари соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари Кенгаши Бош котиби, раҳбарлик қилди. Учрашувнинг асосий мақсади ACTRAV ва Марказий Осиё мамлакатлари соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари Кенгаши ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилиш, шунингдек, 2026-2027 йилларга

мўлжалланган қўшма тадбирлар режасини тайёрлаш ва келишиб олиш эди. Музокаралар жараёнида асосий эътибор халқаро меҳнат стандартларини, хусусан, ХМТнинг 190–Конвенцияси (меҳнат соҳасида зўравонликни бартараф этиш тўғрисида) ва 192–Конвенцияси (ишлаб чиқариш муҳитида биологик хавфдан ҳимоя ва профилактика қилиш тўғрисида) ни илгари суриш ва ратификация қилиш масалаларига қаратилди. Шунингдек, томонлар Халқаро меҳнат конференциясида платформалик бандликни тартибга солиш мавзусини муҳокама қилиш масалалари бўйича фикр алмашилди. Учра-



шувни Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнаткашлар фаолияти бўйича бюроси (ACTRAV) Шарқий Европа ва Марказий Осиё сектори раҳбари Сергиус Гловацкас очиб, Марказий Осиё касаба уюшмалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, халқаро меҳнат стандартларини илгари суриш ва ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш аҳамиятини алоҳида таъкидлади. Учрашув давомида Жамоат хизмати Интернационали (PSI)нинг сиёсат бўйича катта мутахассиси Дария Чибраррио сўзга чиқиб, жамоат хизмати сектори, хусусан соғлиқни сақлаш соҳасида ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ташаббуслар ҳақида маълумот берди ва минтақа касаба уюшмалари фаол иштирокчиларнинг аҳамиятини таъкидлади. ACTRAV директори Оливер Репке иштирокчиларни Бюро фаолияти, асосий сиёсий йўналишлари ва турли минтақаларда касаба уюшмаларини қўллаб-қувватлаш дастурлари билан таништирди. Шунингдек, у минтақавий касаба уюшмалари ҳамкорлигини мустаҳкамлашнинг аҳамиятини таъкидлаб, ходимларнинг манфаатларини самарали ҳимоя қилишда унинг муҳимлигини қайд этди. ACTRAVнинг катта юристи Виктор Хюго Рикко ўз тақдироти билан қатнашиб, меҳнатни муҳофаза қилиш ва иш хавфсизлиги бўйича асосий

ХМТ конвенциялари ҳамда ишлаб чиқариш муҳитида биологик хавфдан ҳимоя қилишга қаратилган янги 192-Конвенция ҳақида батафсил маълумот берди. Шунингдек, ХМТ эксперти Марен Хопфэ соғлиқни сақлаш соҳасидаги ХМТнинг тармоқдаги сиёсати ҳақида маълумот берди, соғлиқни сақлаш ходимлари учун хавфсиз иш шароитини таъминлаш, жамоат соғлиқни сақлаш тизимларини мустаҳкамлаш ва ижтимоий мулоқотнинг ролини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Учрашув якунлари бўйича иштирокчилар қўшма ҳамкорликнинг аниқ йўналишларини муҳокама қилишди ва кейинги йилларга қаратилган бир қатор қўшма тадбирларни белгилаб олишди. Бу тадбирлар касаба уюшмалари ҳамкорлигини ривожлантириш, тажриба алмашиш ва Марказий Осиёда соғлиқни сақлаш ходимларининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишга қаратилди. Учрашув сўнггида иштирокчилар учун Халқаро меҳнат ташкилоти штаб-квартираси бўйлаб танишув экскурсияси ташкил қилинди, унда делегациялар ташкилотнинг тарихи ва фаолияти, шунингдек, халқаро меҳнат стандартларини шакллантиришда унинг роли билан танишилди.

Ибодат СОАТОВА,
журналист

МЕҲНАТЛАРГА БЎЛГАН МУНОСИБ РАҒБАТ

Халқаро Хотин-қизлар куни муносабати билан тиббиёт ходимлари мукофотланди

Президентимизнинг “8-март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонига асосан, бир гуруҳ фаол хотин-қизлар юксак давлат мукофотлари билан тақдирланди. Улар орасида қуйидаги тиббиёт ходимлари ҳам бор:

**II ДАРАЖАЛИ «САЛОМАТЛИК»
ОРДЕНИ БИЛАН**

Абдуллаева Нилуфар Исмаиловна – Шофиркон тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасининг бош патронаж хамшираси, Бухоро вилояти;

Қамбарова Нигора Фаттаховна – Шахрихон туманидаги «Шахрихон» оилавий шифокорлик пункти оилавий шифокори, Андижон вилояти;

Мансурская Эльвира Сабриевна – Гулистон шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаси педиатри, Сирдарё вилояти;

Мухамедова Барно Фархадовна – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари.

**«СОҒЛОМ ТУРМУШ»
МЕДАЛИ БИЛАН**

Қуанишова Жамила Сейлбек кизи – Учкудук туманидаги «Қулкудук» оилавий шифокорлик пункти катта хамшираси, Навоий вилояти.

«ШУХРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Эсанова Саломат Алмардановна – Кумқўрғон туманидаги «Сайхон» оилавий шифокорлик пункти дояси, Сурхон-



дарё вилояти.

"Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш–Здравоохранение Узбекистана" газе-

таси таҳририяти юксак давлат мукофотлари билан тақдирланган барча тиббиёт ходимларини муборакбод этади.

ЭЪТИРОФ ВА ЭЪТИБОР РАМЗИ



8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида мен учун унутилмас ва масъулиятли воқеа рўй берди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги камтарона меҳнатим муносиб баҳоланиб, менга “Ўзбекистон соғлиқни сақлаш аълочилиги” кўкрак нишони топширилди. Бу юксак эътирофни ката фахр ва чексиз миннатдорлик ҳисси билан қабул қилдим.

Менинг меҳнат фаолиятим, аввало, журналистика билан чамбарчас боғлиқ. Кўп йиллар давомида матбуот соҳасида фаолият юритиб, жамоатчиликка ҳолис ва ишончли ахборот етказишни ўз олдимга мақсад қилганман. Бу йўлда орттирган тажрибам, айниқса, инсон саломатлигига дахлдор мавзуларни ёритишда янада муҳим аҳамият касб этди.

Сўнгги етти йилдан буён Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Матбуот хизматида фаолият олиб бориб, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, янгиликлар ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилишга ҳисса қўшиб келмоқдаман. Бу жараёнда касбга садоқат, тезкорлик ва масъулият асосий тамойилимга айланди. Албатта, бугунги эришилган ютуқларим – фақатгина шахсий меҳнатим самараси эмас. Устозларимнинг бебаҳо маслаҳатлари, ҳам-

касбларимнинг қўллаб-қувватлови ва оиламнинг ишончи менга доимий таянч бўлиб келмоқда. Шу боис, ушбу мукофотни улар билан биргаликдаги умумий ютуқ сифатида қабул қиламан.

Менга билдирилган бу юксак ишонч келгусида янада самарали ишлашга, соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ислохотларни ҳолис ва кенг ёритишга ундайди. Зеро, жамият саломатлиги – ҳар биримизнинг энг устувор вазифамиздир. Ушбу юксак эътироф учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбариятига ва барча устоз ҳамда ҳамкасбларимга самимий миннатдорлик билдираман. Ишончли оқлаш йўлида янада фидойилик билан меҳнат қилишга тайёрман.

Гулбахор АЗИМОВА,
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Матбуот хизмати бош мутахассиси.

Бу йил Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганлар орасида Бухоро давлат тиббиёт институти магистранти **Вазира Файзуллаева** ҳам бор. У болалар невропатолог бўлиб ишлаган бувисининг тарбиясини олган.

– Болалигимда бувим ўзлари ишлайдиган шифохонага мени олиб борганларида, ишларини кузатиб туришни ёқтирардим. Нафақага чиққанларида ҳам оналар фарзандларини уйимизга олиб келишарди. Кўзлари тўла умид билан келган бу инсонлар, миннатдорлик ҳисси билан уйимиздан чиқиб кетаётганини кўриб, бувимнинг касби нақадар эъзозли эканини англаганман. Шифокорликдан бошқа касбни танлашим мумкин эмасди!– деди биз билан суҳбатда **Вазира**.

Қизнинг ота-онаси унинг таълим олиши, ривожланиши учун бор имкониятларини аямаган. Бугун эса ана шу фидойиликнинг самарасини кўриб қувонишмоқда. У аввал бакалаврият босқичида педиатрия йўналишини тамомлади. Сўнг магистратура босқичида оториноларингология мутахассислигини танлади. Ибн Сино номидаги ҳамда Президент давлат стипендиялари совриндори бўлган бу қизнинг фаоллигига ҳавас қилса арзийди.

2025 йилда Вазиранинг “Аллергик ринитнинг жигарнинг сурункали диффуз касалликлари билан кечганда даволаш тактикаси” мавзуда монографияси, бир нечта ўқув-услубий қўлланмалари чоп этилди. Жорий йилда эса “Соғлом миттивой” номли мобил иловаси Интеллекту-

ал мулк агентлиги томонидан патентланди. Илова орқали оналар 6 ойлик фарзандларини кўшимча озиклантириш бўйича маслаҳатлар олишади. Қайси маҳсулотларни, қандай микдорда, қачон бериш мумкин – буларнинг барчасини илова орқали билиш мумкин. Шунингдек, у “Сурункали пилонелит билан касалланган болаларда ўткир отитни оториноларингологик ҳолатини баҳолаш” дастурий таъминоти учун ҳам патентга эга бўлди. Бундан ташқари, Вазира АҚШ, Россия, Германия, Словения, Қозғоғистонда ўтказилган халқаро анжуманларда ўз маъруза ва мақолалари билан иштирок этган. Унинг бир қанча илмий мақолалари юртимиз илмий журналларида, шунингдек, “Scopus” илмий-техник маълумотлар базасига индексланган, халқаро илмий-электрон журналда чоп этилган. У “Самарқанд – 2020” халқаро талабалар олимпиадаси, “Абу Али ибн Сино таълимидан III Ренессансгача” III халқаро талабалар олимпиадаси, “Энг яхши илмий-тадқиқот иши”, “Етакчилар ҳафталиги – 2023” каби халқаро даражадаги танловлар совриндори ҳам бўлган.

Вазиранинг шиори: “Ҳаётда мақсадларга эришиш учун ҳеч нарса тўсиқ бўла олмайди”. У бунинг амалиётида ҳам исботлади. Фарзандли бўлган кезларида турмуш ташвишлари ва бола парвариши билан биргаликда мустақил равишда инглиз тилини ўзлаштириб, имтиҳон топширди ва ўзи исотаган натижа – IELTSда C1 даражасини (7.0 балл) олишга эришди. Бу равон мулоқот қилиш, мураккаб матнларни тушуниш ҳамда тилни профессионал ва академик жиҳатдан



минимал хатолар билан ишлатиш қобилиятини англатади. У ўсмирлар орасида эрта турмуш қуришга олиб келувчи ижтимоий, психологик ва маданий омилларни чуқур ўрганиш, муаммонинг илдизини аниқлаш ва профилактика учун илмий асос яратишга киришган. Бухоро вилоятининг 3 та худуди: Вобкент, Пешку туманлари ва Бухоро шаҳридаги 14-18 ёшдаги йигит-қизлар ўртасида сўровнома ўтказди. Йиғилган маълумотларни таҳлил қилгач, ёшлар учун 10 та модулдан иборат замонавий тренинг дастурини ишлаб чиқди. Ҳозирда уни таълим тизимига интеграция қилиш бўйича тавсиянома тайёрламоқда. Шунингдек, бу изланишлар асосида “Эрта никоҳсиз келажак” мобил иловаси ҳам яратилади.

Вазиранинг орзулари, ҳаётдаги мақсадларидан илҳомланган синглиси Камола ҳам унинг йўлидан бориб, ҳозирда Бухоро давлат тиббиёт институтида таҳсил олмақда.

■ Мангу барҳаёт

УМР МАЗМУНИ ДЕГАН ШОХ САТРЛАР

“Инсон умри абадий эмас! Лекин у абадийликка интилади”, деган эди немис олими Рикхтер. Ҳақиқатда шундай, наботот дунёсининг ҳукмдори бўлиши, биз инсонлар ҳам гарчи ўзимиздан тожу-тахт ва тугалмас бойлик қолдира олмасакда, лекин, яхши ном келгуси авлод қалбида яхши калом қолдиришига ҳаракат қиламиз.

Ш у ўринда бир савол туғилади: инсон умри нима билан гўзал ва безаклидир? У ўзининг жамики нодир ишлардан тортиб, яратган сиймосигача гўзалликка бурканган бўлади. Ваҳоланки, вақт олий ҳакам экан, умр эса унинг сарҳисобчиси. Умрнинг ҳар бир они ғанимат ва бебаҳодир. Бинобарин, биз учун ғанимат бўлган инсонлар дунёси ниҳоятда бой, боғу-роғлару гул кўчатларга лимо-лим мовий салтанат кўзгусига айланиб келган. Ана шундай силсилавор умр халқимиз орасида “Умр мазмуни” деган шох сатрларда битилади. Унинг устидан беихтиёр сирли қаламлар, сирли рақамлар, олис-олисдан сўйлагандай бўлиб кўринаверади...

Зеро, биз бугун юқоридаги фикрлар ила эътироф этмоқчи бўлган инсонимиз дунё тиббиёт илмида катта мактаб яратган олим, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиги, шунингдек, Европа Респиратор жамияти фахрий аъзоси (Париж), Халқаро сил ва ўпка касалликларига қарши кураш иттифоқи аъзоси (Париж), Нью-Йорк фанлар академияси академиги, “Интер-астма Россия – МДХ жамияти” бошқарув аъзоси (Москва ш), Россия Фанлар академияси

пульмонология илмий текшириш институти директори, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази пульмонология ва клиник аллергология кафедраси мудири, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош пульмонологи бўлиб фаолият олиб борганлар. Академик Абдулла Муҳаррамович 1934 йилнинг 20 март куни Тошкент шаҳрида ишчи оиласида таваллуд топганлар. Оила 5 фарзанддан



доктори (Москва ш), Ўзбекистон пульмонологлар жамияти раиси (Тошкент ш), Марказий Осиё пульмонологлар Ассоциацияси Вице – Президенти (Тошкент ш), Евро Осиё пульмонологлар Ассоциацияси Элект – Президенти Абдулла Муҳаррамович Убайдуллаев 2025 йилнинг 9 декабрь куни бу ёруғ оламни тарк этдилар.

Абдулла Убайдуллаев узок йиллар Марказий Осиёда машҳур интернист олим, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фтизиатрия ва

иборат бўлиб, Абдулла Убайдуллаев оилада тўртинчи фарзанд эдилар. Абдулла Убайдуллаевни болалигиданоқ адалари Муҳаррам ота меҳнатга виждонан муносабатда бўлиш, бунинг баробарида қатъиятли бўлишни ўргатганлар. Муҳаррам ота 40 йил давомида Тошкентнинг “Эски жўва” даҳасида жойлашган биринчи босмахонада мусаххихлик бўлими бошлиғи вазифасида ишлаганлар. Муҳаррам ота маҳаллада тўғри сўз, ўта ҳалол, заҳматқаш, сергайрат, кези келса



нинг таклифига биоанон мазкур институт 1989 йилдан бошлаб, академик Ш. Алимов номидаги Фтизиатрия ва пульмонология илмий текшириш институти деб аталди. Академик Абдулла Убайдуллаев республикамизда бронх-ўпка касалликларини ўз вақтида аниқлаш, ирсиятнинг таъсири, даволаш унинг келиб чиқишида экологик ўзгаришлар таъсири устида кўплаб ишларни олиб бордилар. 2014 йилдан устоз тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида пульмонология ва клиник аллергология кафедрасида профессор лавозимида фаолият юрита бошладилар. Устоз республикамизда бронх-ўпка касалликларини аниқлаш, ирсиятнинг таъсири, даволаш, унинг келиб чиқишида экологик ўзгаришлар таъсирини ўргандилар. Бу вақт орасида республикамизда 6 мингдан ортиқ пульмонологлар ва умумий амалиёт врачларини малакасини оширишда фаол қатнашиб келдилар. Уларнинг раҳбарлигида 25 нафар тиббиёт фанлари докторлари ва 39 нафар фан номзодлари етишиб чикди. Шунингдек, устознинг 700 дан ортиқ илмий мақолалари, улардан 100 дан ортиғи чет мамлакатларда, 20 та монография, 5 та ихтиро, 30 дан ортиқ врачлар учун услубий қўлланмалар чоп этилган.

ҳеч кимни аямасдан камчилигини кўрсатувчи инсон эдилар. Устознинг оналари Башорат опа уй бекаси бўлганлар. Уларни маҳалла аёллари ўргасида катта обрў ва эътиборлари бўлган. Фарзандлари тарбиясига жиддий аҳамият берган она дилбандларига ўзидан катталарининг хурматини кичикларнинг иззатини ўрнига қўйиш, айниқса, отага бўлган хурмат борасидаги маслаҳат ва ўғитларини айтиб келар эдилар. Ота-оналарининг берган тарбияси устозларнинг таълими сабоқлари ҳамда ўзларининг тиббиёт илмига бўлган иштиёқи Абдулла Муҳаррамовични академик даражасига олиб чикди. 1958 йилда Тошкент давлат институтини тамомлаган устоз 1956-1958 йилларда Тошкент 1-шаҳар клиник шифохонасида фельдшер, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти терапия кафедрасида 1958-1960 йилларда ординатор, 1961-1963 йилларда аспирант, 1964-1967 йилларда ассистент, 1967-1968 йилларда доцент лавозимларда фаолият юритдилар. 1965 йилда номзодлик диссертациясини, 1974 йилда Москвада докторлик диссертациясини ёқладилар. 1978 йилда Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида пульмонология кафедрасини биринчилардан бўлиб ташкил этганлар. Устоз 1986 йилда Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази (собиқ Сил касалликлари илмий текшириш институтига) директор этиб тайинландилар. Абдулла Муҳаррамович-

Албатта, шу ўринда таъкидлашимиз лозимки, Абдулла Убайдуллаевнинг тиббиёт фанлари номзоди, тиббиёт фанлари доктори, профессор ва академик ҳамда кўша-кўша давлат унвонларининг соҳиб бўлишида кимнинг ўрни бекиёс деган ҳақли савол туғилади? Бир сўз билан айтганда, Абдулла Муҳаррамовичнинг шундай юксак даражага эришишида рафиқаси марҳума Раъно Аҳатовнанинг хиссалари ниҳоятда каттадир. Академиклар Абдулла Муҳаррамович Убайдуллаев ва Раъно Аҳатовна Убайдуллаевлар икки ўғил фарзандни тарбиялаб, уларни ватанимиз мутахассислар даражасига етказишди. Бир-биридан ширин набиражонларнинг суюкли бувижониси ва буважониси бўлишди. Ҳаётда кўп воқеаларни биргаликда бошдан кечиришди. Қувонч ва кайгуларни иккиси баҳам кўришди. Турмуш кийинчиликлари ва тўсиқларни ҳамжихатликдаенгиб ўтишди, кези келса, эр-хотин ғам-гуссага шерик бўлишди. Академик Раънохон Убайдуллаева иқтисод-молия институтини тамомлаб,

ИЛА НОДИР СИЙМО ЯРАТГАН ИНСОН

ЎЗР ФА Иқтисодиёт институтига лаборант сифатида ишга келиб, кейинчалик ўзининг машаққатли меҳнатлари, касбига бўлган садоқати билан олимликка эришди. Йиллар давомидаги изланишлар ва машаққатли меҳнатларининг маҳсули Раъно Убайдуллаевага Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, профессори деган юксак унвонларни тақдим этди. Эътирофлиси шундаки, бир оиладан икки инсонни академик бўлиши, бу жуда катта бахтдир.

Академиклар Абдулла Убайдуллаев ва Раънохон Убайдуллаевалар икки нафар ўғил фарзандни вояга етказишди. Уларни ҳам илм-фан йўлида ўқитиб, ўзлари севган касб бўйича халқимиз қорига ярайдиган инсонлар қилиб етказишди. Тўнғич ўғиллари Хайруллахон Убайдуллаев иқтисод фанлари номзоди – тадбиркор, унинг рафикаси Гулихон Убайдуллаева инглиз тили бўйича мутахассис. Кенжа ўғиллари Саъдулла Убайдуллаев – тиббиёт фанлари доктори, пульмонолог, унинг рафикаси Камола Убайдуллаева тиббиёт фанлари доктори, пульмонолог. Ота касбини улуғлаб келаётган Саъдулланинг ҳам фарзандлари Шоҳрулло ва Ҳилолалар ҳам аввало, юртимиздаги олийгоҳларда, шунингдек, хорижий давлатларда таҳсил олишиб, бобошониси Абдулла Муҳаррамовичнинг изидан кетишмоқда. Бу албатта, академиклар оиласи учун катта бахтдир. Бунинг исботи сифатида айтишимиз жоизки, академик Абдулла Убайдуллаев оиласида шифокорлар сулоласининг бошловчиси бўлган лар десак муболаға бўлмайди.

ТАРИХ ЗАРВАРАҚЛАРИДА МУҲРЛАНИБ ҚОЛГАН АЖОЙИБ ЛАҲЗАЛАР

Ҳамон ёдимда 2001 йилларда “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана” газетасида масъул котиб вазифасида фаолият юритар эдим.

ўлим академик Абдулла Убайдуллаевни бу ёруғ дунёдан олиб кетди.

Бу даврда олим ҳаёти ва фаолиятида бир сўз билан айтганда бир-бирига қарама-қарши бўлган яхши кунлар ҳам ёмон кунлар ҳам бўлган. Лекин ана шундай кунларни олим Абдулла Муҳаррамович ўз эътиқоди ва буқилмас иродаси билан давом эттириб, комилликка эришди. Мен бу инсондаги комилликни 2024 йилнинг март ойида Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида устознинг 90 йиллик юбилейига бағишланган байрам тадбирида янада чуқурроқ англаб етдим. Мазкур байрам тадбирига йиғилганларнинг санаб, саноғига етиб бўлмас эди. Кийимлари ўзига ярашган ва истараси иссиқ инсоннинг даврага кириб келиши байрам иштирокчиларини эътиборини тортди. Бу инсон – 90 ёшни қарши олаётган академик Абдулла Убайдуллаев эдилар. Камтарин, камсуқум ва самимий инсон Абдулла Муҳаррамовичнинг қўллари кўксиди



Асилбек Худаяров сўзга чиқиб, комиллик мақомини забт этган инсон, академик Абдулла Убайдуллаевга шахсан ўз номидан ҳамда юртимизнинг кўп сонли тиббиёт ходимлари номидан самимий табригини йўллади. Сўнгра устоздан таълим ва илмий салоҳият бобида таҳсил олган шогирдлар, ҳамкасблар, дўстлар, қолаверса, худудлардан ташриф буюрган меҳмонлар ҳам сўз олишиб, бетакрор олимнинг йиллар давомидаги меҳнатлари маҳсулини эътироф этиб, қалблари тубидаги табриклари ва дил изҳорларини йўллашди. Мен бу ажойиб лаҳзаларни кузатар эканман, устознинг кўнглидан нималардир ўтганини ҳис қилгандек бўлдим. Шу онда оталари Муҳаррам отанинг ушбу фикрлари ҳаёлимдан ўтди. “Агар менда сиздаги имкониятлар ва сизларнинг турмуш шароитларингиз бўлганида, мен академик бўлар эдим”. Ҳа, байрам тадбирида - бу саҳнада айтилган дил сўзларнинг замирида Муҳаррам отанинг дуоиси мустажоб бўлганлигини кўрдим десам хато бўлмайди. Муҳаррам отанинг ниятлари пок бўлган экан. Бундай нуфузли академик унвони ўғиллари Абдулла Муҳаррамовичга насиб этганлиги отанинг армонлари рўёбга чиққанлигини исбот эта олди. Ёнимда ўтирган устозим

нигоҳига боқар эканман, олимнинг ушбу фикрлари ҳаёлимдан ўтди. “Шифокор бўлишимга сабабчи бўлган энг яқин инсонларим: меҳнаткаш отам Муҳаррам Убайдуллаев ва мушфик онам Башорат Ҳакимовалар қаршисида қиёматгача ўзимни бурчли ва қарздорлик ҳисоблайман. Уларнинг порлоқ хотираси олдида бош эгаман”... Саҳнадаги табриклар ва санъат ахлининг чиқишларига нигоҳлари қадалган Абдулла Убайдуллаевнинг ҳаёлидан “Шу кунларни отам ва онам кўрганларида бошқача бўлар эди” деган армонлар ўтган бўлса ажаб эмас. Яна бир нарса диққатимни тортди. Устознинг таҳсинга лойиқ меҳнатлари юқори ташкилот раҳбарлари, яқинлари, дўстлари, қолаверса, шогирдлари томонидан эътироф этилиб қимматбаҳо совғалар топширилганда ҳам кўз олдимда икки қўли кўксиди бўлган оддийгина инсон турганлигини кўрдим. Қарангки, устозимиз 2001 йилда академик унвонини олган бўлсаларда, улардаги инсонийликдаги эзгу фазилатлар ҳамон қалбларида жўш ураётганлигини кўрдим. Айниқса, Абдулла Убайдуллаевнинг 90 йиллик ҳаёт ва фаолият йўлига бағишлаб тақдим этилган видеоролик нафақат мени эмас, балки тадбир иштирокчиларининг диққатини ҳам ўзига тортди. Ушбу видеороликда олимнинг оила ва жамиятда тутган ўрни тўғрисидаги лавҳалар ҳамда ундаги битикларнинг ҳаётий ҳақиқат эканлиги яққол намоён бўлди. Байрам тадбиридан сўнг шундай хулоса келдимки, устознинг ҳаёт ва фаолият йўлига нигоҳ ташласам, Абдулла Муҳаррамович умрининг 70 йилдан ортиги илмий изланиш ва меҳнатда Ўзбекистон тиббиётида ҳалол меҳнат қилиш билан ўтибди.

Демак, бир сўз билан айтганда устозимиз академик Абдулла Убайдуллаев комил инсон мақомига етган эканлар. Донишмандлардан бири: “Комил инсонни қониндан изламанг – улар орамизда, ёнимизда ва ёнимизда эдилар...” деган экан.

Ибодат СОАТОВА,
журналист.



Кунларнинг бирида ишхонамизга Академик Абдулла Убайдуллаев келдилар. Ва тўғри мени хонамга кирдилар. Мен уларни илк бор кўриб туришим эди. Биз танишдик. Узоқ суҳбатлашдик. 24 йил давомида академик Абдулла Убайдуллаев билан умирларининг охиригача фаолият юзасидан доим мулоқотда бўлдик. Афсуски, вақт ўз ҳукмини ўтказиб, бешавқат

яқинлари, шогирдлари ва меҳмонлар билан кўришдилар. Бир неча дақиқа ўтгач, байрам тадбирига Соғлиқни сақлаш вазири Асилбек Худаяров кириб келди. Устоз ўринларидан туриб, вазири билан гўёки ота-ўғилдек кўришишди. Йиғилганларнинг ҳар бири бу ажойиб лаҳзаларга ҳавас билан боқишди. Байрам тадбири бошланди. Соғлиқни сақлаш вазири

■ Мангу барҳаёт

ЭЗГУЛИК, ШИЖОАТ ВА ЭЪТИҚОДНИ ЎЗИДА

Дунёда шундай инсонлар борки, уларнинг оила ва жамиятдаги ўринларига ҳавас қиласан киши. Бундай инсонларнинг қалби фақат эзгуликка йўғрилган бўлади. Ана шундай қахрамонларимиздан бири академик С. Баҳрамов номидаги Ўзбекистон Республикаси “Анемия ва лейкомия” хайрия жамоат фонди бошқаруви раиси Шожалил Қодирович Шораҳмедов эдилар. Мазкур жамоат фондида 13 йил давомида эзгулик, шижоат ва эътиқод билан фаолият юритиб келаётган ўз касбининг фидойиси, камтарин инсон Шожалил Шораҳмедовни бешафқат ўлим 2025 йилнинг 9 декабрь куни орамиздан олиб кетди.

Мен устозим Шожалил Шораҳмедовнинг фидойи меҳнатларини ҳурмат билан тилга оламан. Улар умрларининг сўнгги кунларигача, яъни 13 йил ушбу хайрия жамоат фондида бошқарув раиси вазифасини астойдил, садоқат билан бажариб келдилар. Шу йиллар давомида Шожалил Шораҳмедов фонднинг сарҳисоб йиғилишида тахририятимиз ходимларини таклиф қилиб, нагизалар бўйича газетамизга доимий мақолалар бериб келганлар. Кейинги 4 йил давомида устоз раҳбарлигида тахририят ва фонд ўртасидаги ҳамкорлик янада муштаҳамланиб, академик С. Баҳрамов номидаги Ўзбекистон Республикаси “Анемия ва лейкомия” хайрия жамоат фонди ҳамда “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоеохранение Узбекистана” газетаси тахририяти ўртасида меморандум имзоланди. Мен Шожалил Қодировични бундан бир неча йил олдин танисамда, уларнинг шижоатли, каттиққўл, чўрткесар, ташкилотчи, меҳнатга фидойи ва истейдодга бой иносн эканликларини билмаган экан-

яти стоматология поликлиникасининг шифокори сифатида, сўнгра Жиззах вилояти Октябрь тумани марказий шифохонаси лабораторияси тиш протезчиси, кейинчалик, мазкур вилоятнинг Дўстлик тумани марказий шифохонасининг тиш протезлаштириш лабораторияси



ман. Кейинги 4 йил давомида бу камтарин инсоннинг нақадар комил шахс эканлигини фаолиятларидаги фидойиликлари орқали англаб етдим.

Келинг, авваломбор, Шожалил Шораҳмедовнинг фаолият йўлларида назар ташлайлик.

Шожалил Қодирович 1952 йилнинг 20 октябрида Тошкент шаҳрида таваллуд топганлар. 1975 йилда Тошкент давлат тиббиёт университетининг (собиқ Тошкент давлат тиббиёт институти) стоматология факультетини тугатганлар. Илк фаолиятларини Жиззах вило-

мудир, стоматология поликлиникаси бош шифокори, шунингдек, Жиззах вилояти тиббиёт ходимларининг касаба уюшма кўмитаси раиси вазифаларида фаолият олиб борганлар. 1986-1988 йилларда Тошкент Олий партия мактабида таҳсил олганлар. Мактабни тугатгач, Соғлиқни сақлаш вазирлигида хат ва аризаларни кўриб чиқиш ҳамда тиббий ёрдам ташкил этиш бўлими бошлиғи вазифасида ишлаган бўлсалар, Тиббиёт фанлар Академияси Ўрта Осие бўлимаси даволаш-профилактика ёрдами бўлими бошлиғи, Ўзбекистон




ломлар ота-она касбини улуғлаб, аҳолига шифокор-стоматолог мутахассислиги бўйича хизмат кўрсатиб, элимиз дуосига мушарраф бўлиб келишмоқда. Шожалил Қодирович хайрия жамоат фондида фаолият олиб борганларида кўплаб бемор болажонлар саломатлигини тиклашда ўзларининг муносиб хиссаларини қўшдилар, десам муболага бўлмайди. Шахсан уларнинг ана шундай эзгулик ишларига гувоҳ бўлганман. Бир куни тахририятга кўнғироқ бўлди. Фуқаро фарзанди лейкоз касаллигига чалинганлигини ва шифохонада даво муолажалари олаётганлигини ҳамда молиявий ёрдам кераклигини айтди. Шунда дарҳол, Шожалил Қодировичга кўнғироқ қилдим. Маълум бир вақт ўтиб, фуқаро менга кўнғироқ қилиб, амалий ёрдам берилганлигини айтиб хурсанд бўлди. Бу биргина мисол. Камтарин инсонни бундай хайрли ишларини санаб саногога етаолмаймиз. Айниқса, устоз байрамлар арафасида юртимиздаги тиббиёт муассасаларида даво муолажаларини олаётган болажонларимизга доимий хайру саховат кўрсатиб, чиройли тадбирларни ўтказар эдилар.

Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ижтимоий ёрдамни ташкиллаштириш Бош бошқармаси бошлиғи, “Ўзфармсаноат” давлат акциядорлик концерни дори воситаларни ишлаб чиқариш ва моддий техник таъминоти бўлими бошлиғи, “Ўзфармсаноат” ДАК бошқаруви раиси маслаҳатчиси, ишлаб чиқариш, янги технологияларни жорий этиш ва маркетинг бўлими бошлиғи, ундан кейин эса мазкур ДАКда матбуот котиби, раис маслаҳатчиси ҳамда “Ўзфармсаноат” ДАК аппарати лавозимларида меҳнат қилиб келдилар. Шожалил Қодирович 2013 йилдан умрларининг сўнгги кунларигача академик С. Баҳрамов номидаги Ўзбекистон Республикаси “Анемия ва лейкомия” хайрия жамоат фонди бошқарув раиси вазифасида фаолият юритдилар. Мен устознинг яқин қариндошлари тўғрисидаги маълумотлари билан танишганимда уларнинг оиласи стоматологлар сулоласи эканлигини гувоҳи бўлдим. Шожалил Шораҳмедов рафиқалари Ирода Шораҳмедова билан тўрт нафар фарзандни вояга етказиб, уларни халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қила оладиган ўз касбининг фидойилари қилиб тарбиялашди. Қизлари Зиёда, Феруза, ўғиллари Шоисмат ва Шоис-

Устоз билан олиб борган фаолиятим давомида улардаги журналистика ва адабиётга бўлган истейдод ҳамда кизиқишларига тан бердим, десам хато бўлмайди. Бунда икки йил олдин устоз кўнғироқ қилиб навбатдаги йиғилишимиз бор. Ушбу йиғилишда иштирок этишимни таклиф қилдилар. Йиғилишга бордим. У ерда журналистлар ва адабиётшунослар иштирок этаётган эди. Шунда устоз тиббиёт фанлари номзоди, қирқдан ортиқ китоблар муаллифи ва ҳаммуаллифи, ўнга яқин тиббий луғатлар тузувчиси, ўнлаб шогирдларга устоз бўлган, чин маънода табиб ва ҳабиб инсон Абдукарим Усмонхўжаев хотира-сига бағишлаб китоб ёзиш, унда устоз ва шогирдлар томонидан материаллар тайёрлаш ҳамда ушбу китобни нашр этишда ҳамкорликда иш олиб бориш таклифини илгари сурдилар. Йиғилишдан бир неча ой ўтгач, марҳум Абдукарим Усмонхўжаевнинг тўнғич фарзандлари Абдурахим Усмонхўжаевнинг “Мен бахтли инсонман, чунки Абдукарим Усмонхўжаев фарзандиман” номли

МУЖАССАМ ЭТГАН ИНСОН ЭДИЛАР...



лас, китоб мундарижаси тузилди. Иккала қудаларнинг ҳам ҳаёт ва фаолият йўллари бўйича материаллар тайёрланди. Китобдаги қаҳрамонларнинг ҳаётлари тўрт қисмдан иборат бўлиб, барча маълумотлар китобга тўлиқ киритилди. Китобнинг охири ишланган вариантни октябрь ойида устоз Шожалил Шорахмедовга топширдим. 2025 йилнинг октябрь ойида устозимиз мени ишхоналарига чақириб, китобнинг нашрдан чиқиши учун розилигимни сўрадилар. Чунки мазкур китобда муаллиф устознинг ўзлари бош маслаҳатчи академик Абдулла Убайдуллаев ва нашр учун масъул мен эдим. Худди шу кун устоз билан узок суҳбатлашдик. Китоб тўғри-



китоблари нашрдан чиқди. Мазкур китобда академик С. Бахрамов номидаги Ўзбекистон Республикаси “Анемия ва лейкозия” хайрия жамоат фонди раиси устозимиз Шожалил Шорахмедов нашр учун масъул бўлган эдилар. Китоб ниҳоятда мазмун ва моҳиятга бой бўлиб, муштарийлар қалбидан чуқур ўрин олди. 2025 йилнинг август ойида устозимиз Шожалил Шорахмедов менга қўнғироқ қилиб, ишхоналарига таклиф қилдилар. Устоз билан учрашдик. Улар менга “Ибодатхон, менда бир таклиф бор, иккаламиз биргаликда “Кудалар” номли китобни чиқарсак” дедилар. Мен кизиқиб “ким экан у қудалар?” десам, таниқли олим академик Абдулла Убайдуллаев ва тиббиёт фанлари номзоди Абдукарим Усмонхўжаев эканлар. Хул-

сида таассуротларимиз бир олам эди. Бир неча кун ўтгач, академик устозимиз Абдулла Мухаррамович менга қўнғироқ қилиб, “Қизим Ибодатхон, мени жуда хурсанд қилдингиз катта совға тайёр-

лабсизу, менга билдирмабсиз. Китобни қўлимга олгач, варақлай бошладим. Кўзларимдан қувонч ёшлари қалқиди. У ерда қудам Абдукарим Усмонхўжаев ҳамда менинг оила ҳамда жамиятда

тутган ўринларимиз тўғрисида бағавсил берилган ҳаётий кечинмаларимизни ўқиб, жуда хурсанд бўлдим. Катта раҳмат сизга қизим” дедилар. Сўнгра устозим Шожалил Қодирович менга 2025 йилнинг 30 октябрь кунда ўзларининг дастхатлари туширилган “Кудалар” номли китобларини тақдим этдилар. Ва ушбу китобни тез кунларда тақдимотини ўтказиш режасини айтдилар. Минг афсуски, биз ушбу китобнинг тақдимотига ета олмадик. Биз қутмаган ва ўйламаган нохуш хабар барчамизни қайғуга солди. Қаранг, 2025 йилнинг 9 декабрь кун устозларимиз Абдулла Убайдуллаев ва Шожалил Шорахмедовлар бир кунда бандаликни бажо келтирдилар. Бу тиббиёт аҳли ҳамда ҳаммамиз учун оғир йўқотиш бўлди. Устозларимизнинг ётган жойлари жаннатда бўлсин, охиратлари обод бўлсин.

Уларнинг хотиралари қалбимизда мангу барҳаётдир.

Ибодат СОАТОВА,
журналист

■ Рамазон ҳайити олдида

МАБЛАҒ ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИДАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2026 йил 17 февралдаги “Муборак Рамазон ойида эҳтиёжманд аҳолини давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида”ги ШҚ-67-сонли қарори бу борада ижобий ечимларни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.



Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий маркази Наманган филиалида мазкур масалага жиддий эътибор билан қаратилмоқда. Врачлар ҳам, беморлар ҳам қарор аини муддао бўлганлигини мамнуният билан таъкидламоқдалар. Жумладан, юрак-қон томир

жарроҳлиги бўлимида ётган чушлик аёл Дилором Инсупова юрак бўламчалариаро тўсиқ нуқсонидан озор чекаётган экан.

– Яхшиям ғамхўр давлатимиз, эҳсонли “Вақф” хайрия жамоат фонди ёрдамида фойдаланиш насиб қилди. Бўлим мудри Абдусалом Хўжамбердиев ҳамда хирург ҳамкасби Нуриддин Баҳриддиновнинг саъй-ҳаракатлари туфайли юрак нуқсоним бартараф этилди. Инсонпарвар жамиятда яшаётганимдан, меҳрибон Юргбошимдан ва қўли энгил жарроҳлардан жуда-жуда миннатдорман, – деди бемор кўзларида севинч ёшлари қалқиб.

Юрак-ишемик хасталиклари бўлимида даволанаётган олтмиш ёшли онахон – Мавжуда Холмирзаеванинг хурсандлиги бир олам.

– Қизим Дилафрўзнинг ҳам ўттиз ёшга етмасдан юрагида бетоблик аломатлари аниқланган эди, она-болани битта палатага ётқизиб меҳр билан даволашяпти, – деди у мамнун кайфиятда. – Врачларимиз Фозилжон Усмоналиев ва Абдулазиз Зокировларга гап йўқ. Санокли кунлардаёқ дардимизни анча энгиллатишди. Энг муҳими, ҳарajatлар “Вақф” хайрия жамоат фондидан қопланаркан. Рамазони ойидаги меҳр-мурувват учун уларга қуллук қиламиз.

Филиалнинг эндоваскуляр хирургия бўлимида эса бир неча жароҳатсиз жарроҳлик амалиётлари эҳтиёжманд аҳоли рўйхатида турган беморларда ўтказилапти. Чортоқлик Алижон Қурбонов хуружсимон тахикардия билан



ётқизиблиди. Радиочастотали абляция амалиёти туфайли юрак уруши метъёрига келтирилибди.

– Поп туманидан келган Ахроржон Мамадалиев 20 йилдан буён қийналиб яшаган, уч йилдан бери филиалда муолажа олиб кетарди. Буни қарангки, Рамазон ойида унга толе қулиб боқди. Юрагидаги электрик тизимнинг ўтказувчан қисмида туғма қўшимча йўл бўлиб, у юрак импульюсини туғдириб аҳволини оғирлаштириб қўярди. Энди ўша йўлни радиочастотали абляция амалиёти билан қуйдириб, бартараф қилиб қўйдик, – деди интервенцион-аритмолог Аъзамжон Исмоилов кўнгли хотиржам тортиб.

Содиқ САЙХУН,
Наманган вилояти.

МЕХНАТСЕВАР, ЭЪТИҚОДЛИ, ТАШКИЛОТЧИ

Тошкент шахри аҳолиси соғлиғини сақлаш ишларида ўзининг камтарона хиссасини қўшганлар орасида ҳаётининг 54 йилини халқимиз саломатлиги йўлида бахшида этган Файзулла Юсуповнинг ҳам ўрни бор.

Ярим асрлик меҳнат фаолиятининг энг фаол, даври 33 йилини ёшлик шижоати, ғайрати, билимини пойтахт аҳолиси соғлиғини сақлаш ишларини ташкил этишда сидкидилдан хизмат қилди. Шифокор ташкилотчи, халққа соғлиқ улашман деб қасамёд қилган Файзулла Юнус ота ўғиллари Юсупов 1936 йилнинг 1 апрелида Тошкентнинг эски шаҳар қисми қаллаҳона маҳалласида 1962 йилда шифокорлик дипломи билан Тошкент шаҳридаги 1-сонли клиник касалхонада оддий врачликдан ўз фаолиятини бошлади. Мазкур касалхонада 2 йил меҳнат қилган ёш мутахассис тажрибали шифокорлардан амалий сабоқ олади. Файзулла Юсупов 1964 йилда Тошкентда янги ташкил этилган ортопедия-травмотология диспансерига таклиф этилади. Унинг ишга садоқати, ташкилотчилик қобилиятини кузатиб юрган ўша кезларда Чилонзор тумани соғлиқни сақлаш бўлими мудир лавозимида фаолият юритиб келаётган Собит Ағзамов 1965 йилда Файзулла Юсуповни ўзига ташкилий-услубий бўлим мудирлигига ишга қабул қилади. Бу йилларда Тошкентда ер қимирлаши натижасида уй-жойларисиз қолган аҳолини уй билан таъминлаш мақсадида шаҳарнинг ҳозирги Мирзо Улуғбек тумани Куйбишев, Сирғали ва Чилонзор районларида қурилиш авж олган эди. Ўз-ўзидан маълумки, шароитга қараб соғлиқни сақлаш муассасаларини ҳам тез таъмирлаш, янгидан қуришни тақозо этар эди. 20-асрнинг эллингичи йилларида Чилонзор туманида кенг қўламда бошланган уй-жой қурилиши янада авж олди, янги мавзелар, янги даволаш-профилактика муассасалари бунёд этилди, жумладан 9- туғруқхона, 9-поликлиника, 16,33-поликлиника, 9-болалар касалхонаси, тез ёрдам тармоқлари ташкил этилди. Бу муассасаларни жиҳозлаш, даволаш ишларини самарали олиб боришда Файзулла Юсупов меҳнатлари катта бўлди. 1968 йилда ҳозирги Мирзо Улуғбек тумани ҳудудида янги ташкил этилган 18-поликлиника мудирлигига Файзулла Юсупов тайинланди. Янги ташкил этилганида яъни 1968 йил 18 мартда бу жамоа 5 кишидан иборат (бош врач, ходимлар бўлими, хўжалик бўйича маъсул ходим, ҳисобчи, қоровул) кичик гуруҳ иш бошлаганда, ҳали янги поликлиника биноси битмаган, касаллар мослаштирилган биноларда қабул қилинар эди. Шу шароитда келажакда 20 000 минг аҳолига тиббий хизмат этишга мўлжалланган янги жамоани шакллантириш, аҳолига тиббий хизматни тўлақонли ташкил этиш каби маъсулиятли вазифаларни Файзулла Юсупов астойдил бажарди. Янги бино битди, янги бошлик, янги ходимлар фаолият бошлади. Истеъдодли ташкилотчи Файзулла Юсупов 1973 йилда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги 4-бошқармасига бўлим мудирлиги этиб тайинланди ва бу ерда бошқарма бошлиғи муовини даражасига кўтарилди. 1975 йилда ҳозирги Шайхонтохур туманида янги қурилиб ишга туширилган 6-сонли ҳозирги 22-поликлиникага бош врач лавозимида фаолиятини давом эттирди. Яна янги муассаса, янги жамоа бу янгиликларга анча кўникиб қолган Файзулла Юсупов мазкур жамоада ҳам ишларни тезкорлик билан бошлаб

юборди. Бу масканда 4 йил ишлагач, 1979 йилда тажрибаси анча ошган ташкилотчи сифатида, ўзи 11 йил илгари ташкилотчилик фаолиятини бошлаган кадрдон Чилонзор тумани соғлиқни сақлаш бўлими мудирлигига тайинланди. Бу вазифада 4 йил ишлагач, 1983-1992 йилларда ҳозирги Юнусобод туманидаги 4-болалар санаториясига бош врач этиб тайинланади. Ўз касбининг мохир устаси, тажрибали ташкилотчи Файзулла Юсупов 1931 йилда ташкил этилган бу масканда даволаш ишларини такомиллаштириш билан бир вақтда хўжалик ишларига алоҳида аҳами-



ят беради ва муаммо бўлиб турган масалаларни ечимини ҳал этиш борасида сиҳатгоҳда катта ишларни бошлаб юборади. Ташкилотчи раҳбар Файзулла Юнусович биринчи навбатда маблағ топиб янгидан 300 метр қувур билан совуқ сув муаммосини ҳал этади. Сув иситиш қозонлар газга уланиб ётоқ хоналарга иссиқлик берилади. Шунингдек, ювиниш хоналарига ҳам иссиқ ва совуқ сув олиб кирилади. Суюқ чиқиндилар канализация тизимига уланди. Тахта деворлар ўрнига ғиштли девор қурилди. Даволанувчилар учун етарли шароит ва имкониятлар яратилди. Файзулла Юсупов 1992-1999 йилларда Олмазор туманидаги 4-оилавий поликлиника мудирлиги лавозимида фаолиятини давом эттиради. Мазкур поликлиника 1913 йилда ташкил этилган бўлиб, унда ҳам ходимлар ва беморлар учун шароитлар етарли эмас эди. Бу ҳолатни ҳисобга олган Файзулла Юнусович шаҳар ҳокимиятига, Олий мажлис депутатларига, Соғлиқни сақлаш вазирлигига мурожаат қилади ва бу янги поликлиника қурилиши ҳақида шаҳар ҳокимининг қарорини чиқаришга муваффақ бўлади ҳамда инсон саломатлиги учун зарур бўлган имкониятларни яратади. Албатта бундай шароитлардан мамнун бўлган аҳоли Файзулла Юсуповга ўз миннатдорликларини билдиради. 2000-2005 йилларда Файзулла Юсупов янги

ташкил этилган Учтепа тумани тиббиёт бирлашмасида бош терапевт, 2005-2016 йилгача шу тумандаги 6-оилавий поликлиникада бош врач вазифаларида фаолият юритиб келди. Қанчадан-қанча инсонларга саломатлик улашган, шунингдек, кўплаб тиббиёт муассасаларини обод этган меҳнатқаш, ташкилотчи, қаттиқўл, меҳрибон ва камтарин инсон Файзулла Юсупов 2025 йилнинг 31 август куни бу ёруғ оламни тарк этди. Ҳозир устоз ҳаёт бўлганларида 90 ёшда бўлар эди.

Эътироф билан айтиш жоизки, Файзулла Юнусович қаерда қандай вазифада ишлаган, ўз вазифасига ўта маъсуллик билан ёндашган ва эътиқод билан доимо фаолиятни давом эттириб келган.

Файзулла Юсуповнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб "Тошкент окшми" газетасининг 2011 йил март сониди "Умр мазмуни" номли мақола нашр этилган эди. Эътиборингизга ушбу



дардига малҳам бўлиш, уларнинг умрини узайтиришдек жуда маъсулиятли вазифа юклатилган. Шундай экан, шифокорлик касбига қабул қилган қасамёдимишга доимо садоқат кўрсатишимиз ҳам қарз ҳам фарздир, дейди Файзулла Юсупов.

Ҳа, чиндан ҳам эл қорига яраб, элда азиз ва муқаррам бўлиш нақадар шарафли. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш аълоҳисси кўкрак нишонини соҳиби Файзулла Юсупов ҳам шундай бахтга, шарафга муяссар бўлган замондошларимиздандир. Унинг мазмунларга тўлиқ умр дафтари саҳифалари юқоридаги фикрларимизнинг яна бир исботидир.

Солиҳ ЁҚУБОВ.
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Ушбу мақола ёзилиши жараёнида Файзулла Юсупов бундан кўп йиллар илгари ишлаб кетган поликлиникалар ходимлари билан учрашиб, ўзларининг собиқ раҳбарлари ҳақида хотиралари тўғрисида сўхбатлашдим.

16 ва 22-оилавий поликлиникадаги суҳбатдошларнинг ҳар бири Файзулла Юсупов фаолияти тўғрисида ижобий баҳо бериб, яхши хислатлари, касбий маҳоратлари, ходимларга бўлган самимий муносабатларини инсоний хислатларини эслади. Булардан ташқари Файзулла Хожи билан билан узоқ йиллар давомида дўст, ҳамкасб бўлган тиббиёт фанлари доктори Носир Жўраев ва Файзулла Юсуповдан 1964 йилда сабоқ олган талаба София Ибрагимовалар билан ҳам учрашдим ва уларнинг қуйидаги хотираларини сизларга тақдим этишни ўз бурчим деб билдим.

—“Мен Файзулла Юнусович билан бирга ишлаган вақтни эслаганимда улар тўғрисида бирорта ноўрин фикр эшитмадим. У инсон одамларга ҳурмат, эътибор билан муносабатда бўлганлар улар учун ходимнинг амали, бойлиги, ташқи кўриниши эмас, ишга муносабати, мурожаат қилганларнинг масаласи ҳал қилиш қобилиятига қараб баҳолар эдилар. Файзулла Юсупов вафотларини эшитганимизда, бош врачимиз бошчилигида кўпчилик жанозага борганмиз”. Устознинг ётган жойлари жаннатда бўлсин, охиратлари обод бўлсин.

Гулчехра ТўРАХЎЖАЕВА.
Тошкент шаҳар 22 – оилавий поликлиника ходимлар бўлими ноҳири.

мақоладан бир парча келтиришни лозим деб топдим.

—“Ҳаётим даврида умрнинг ажиб бир ширин дамларига, лаҳзаларига гувоҳ бўлдим, — деб хотирлайди. **Файзулла Юсупов.** — Камина бахт ёр бўлган инсонлар сирасига қираман. Аввало, бу бахт шундаки, волидан муҳтарамамиз Шафоат аянинг муборак бир юз ўн ёшга тўлган кунларининг шоҳиди бўлдим. Уч аср юзини кўрган онажонимиз хизматида бўлишнинг ўзи нақадар ажиб бир саодат эмасми?! Ярим аср мобайнида одамлар қорига яраб уларнинг олқишу дуоларига мушарраф бўлишдан ҳам ортиқ бахт борми? Хуллас шу дамларга етказгани учун доимо шукроналар айтаман”.

Чиндан ҳам Файзулла Юсуповнинг қувонч тўла изҳор этаётган дил розисида бир олам маъно мужассам. Умрнинг етмиш бешинчи баҳорини қаршилаётган камтарин ва ҳокисор инсоннинг фахрланганича бор.

Файзулла Юсуповнинг умр дафтари айрим саҳифаларини бир варақлайлик. Файзулла Юсуповнинг Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигида пойтахтимизнинг қатор туманларида тизимида маъсул лавозимларда қилган самарали меҳнати умр дафтари саҳифаларини безаб турибди.

— Биз шифокорлар зиммасига одамлар

ВА ЎЗ КАСБИНИНГ ФИДОЙИСИ ЭДИ...

–Файзулла Юсупов тиббиёт соҳасида узоқ йиллар самарали ишлаб, инсонлар соғлиги йўлида фидойий бўлган шифокорлардан биридир. Файзулла ака ўзининг ярим асрдан кўпроқ фаолиятини шарафли ва масъулиятли касб–шифокорликка бахшида этган инсондир. Олмазор тумани 4–поликлиникада узоқ йиллар Бош шифокор вазифасида ишлаб, ёш кадрларга устозлик қилган, ҳаёт сабоқларидан хабардор қилган устоздир. Фидойий шифокор, яхши устоз, муаллим, эл–юрт соғлиги йўлида фидойий бўлган Файзулла Юсуповнинг меҳнатлари давлатимиз томонидан юксак баҳоланган. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочиси ва бир неча мактов ёрликлари соҳиби бўлганлар.

Фидойий шифокор, жонкуяр раҳбар ва самимий инсон Файзулла Юсупов хотираси қалбларимизда мангу яшайди.

Дилдора ҚАЙУМОВА,
16 – Оилавий поликлиника
врач статисти.

–Файзулла Юсупов тиббиётимизнинг фидойиси эди. Ҳаётда шундай инсонлар борки, улар ўз танлаган касбларининг чинакам ошиғи ва фидойиси, эл–юрт назарида, иззат–икромда бўлади. Ана шундай азиз ва табаррук инсонлардан бири олий тоифали шифокор, Соғлиқни сақлаш аълочиси Файзулла Юнусович Юсупов эди.

Мен қаҳрамонимизнинг 1955 йилдан буён биламан. Биз у билан собиқ Тошкент Давлат тиббиёт институтида 6 йил бирга ўқиганмиз. Файзулла ака иқтидорли талаба ва бошқалардан донолиги ҳамда аъло хулқи билан ажралиб турар эди. У институтда даволаш йўналиши бўйича устозлардан мукамал сабоқ олиб, мустақил равишда ўз устида ҳам тинимсиз ишлаб, тиббиётнинг сир асрорларини пишиқ–пухта ўрганган. Институтни 1961 йили тамомлагач, Тошкент шаҳрида соғлиқни сақлаш муассасаларида даволовчи врач, бўлим мудир, бош врач ўринбосари ва бош врач лавозимларида муваффақиятли фаолият юритди. Ўз фаолияти давомида мутахассис сифатида жамоа ва аҳоли ўртасида ҳам доимо обрў эътиборга эга бўлган етук мутахассис сифатида тан олинган.

Унинг (қаҳрамонимизнинг) илмий–таҳлилий ишлари, изланишларга астойдил қизиқиши, тиниб–гинчмаслиги, ташаббускорлиги, ажойиб ташкилотчилик қобилиятини ҳисобга олиб, устозларнинг тавсияси билан шаҳримизнинг Янги обод массивида янги қурилган оилавий поликлиникасига (18–поликлиника) Бош шифокор лавозимига тайинланди. Бу ишонччи у оқлади, қисқа вақт ичида етук

мутахассислардан иборат янги жамоани тўплаб фаолият юритди. Аҳолига бирламчи (дастлабки) тиббий ёрдамни кўрсатиш бўйича намунали хизматни ташкил қила олди ва юқори натижаларга эришиб эл–юрт хурматида сазовор бўлди. Қаҳрамонимиз ўткир зеҳни, меҳнаткаш, тиришқок, билимга чанқок, ҳаётнинг ҳақли ҳақсиз зарбаларига чидамли инсон бўлганини гувоҳиман. Файзулла Юсупов бугун ҳаёт бўлганида 90 ёшга тўлган бўлар эди. Дўстим, биз сизни ҳеч қачон унутмаймиз, қалбларимизда абадий яшайсиз.

Носир ЖўРАЕВ,
тиббиёт фанлари доктори



–Файзулла Юнусович бизга пойтахтимиздаги 40–мактабда ўқиб юрган давримизда терапия фанидан дарс ўтганлар. Устоз жуда маънавий маърифатли инсон эдилар.

Тиббиёт соҳасидаги ўз билим, малака, кўникмаларини биз талаба ёшларга ўргатиб келажақда етук мутахассис бўлишимизга ҳисса қўшганлар. Мана шу олган билимларимизни пухта эгаллаб, ҳаётда тадбиқ этдик. Бу билимлар кейинчалик тиббиёт техникумида ўқиб ҳамширлик касбини эгаллашимизда катта ёрдам берган. Гарчанд ҳозир устозимиз орамизда бўлмасалар ҳам, уларнинг ўғитлари ҳамон ёдимизда.

Устозимиз Файзулла Юнусовичнинг охиратлари обод бўлсин.

София ИБРАГИМОВА,
ҳамшира.

–Агар бобом ҳаёт бўлганларида 90 ёшни қарши олган бўлар эдилар. Вақт ўтмоқда йиллар бир пасда ўтиб кетмоқда, лекин бобомнинг ўрнилари қалбимизда ҳеч қачон тўлмайдиган бўшлиқ бўлиб қолган. Файзулла бобомнинг кулиб қараган кўзлари, бизни дуо қилиб силаган кўллари, ҳар доим яхшиликка ундаган сўзлари ҳали ҳам хотирамизда тирик. Баъзан шундай лаҳзалар бўладики, гўё эшиқдан кириб келиб, яна ўша меҳр билан бизга қарайдигандек туюлади. Бобом бизни мактабдан ўқишдан келишимизни пойлаб ўтирадилар ва биз келганимиздан кейин бирга тушлик қилар эдик. Бир дастурхон атрофида ўтириб узоқ суҳбатлашардик

ни тавсия қилганлар. Мен бобожонимдан жуда ҳам миннатдорман, чунки улар менга гўзал болалик ва бегубор ёшликни ҳадя этдилар. Бобом билан бўлган суҳбатларим ҳаётимдаги энг ёқимли ва унутилмас лаҳзалардан эди. У киши билан суҳбатлашиш менга доимо завқ бағишлар эди. Шунинг учун ҳам додам билан ўтказган суҳбатларим қалбимда энг қадрли хотиралардан бири бўлиб қолган. Бобомнинг хотиралари қалбимда абадул–абад яшайди.

Муаззам,
Файзулла бобонинг набираси.

Ёз фаслининг салқин окшомларидан бири эди... Одатдагидек дам олиш куни қариндошлар тўпландик, кун–бўйи ҳамма ўз иши билан банд бўлди. Оиламизнинг каттаси Файзулла бобомиз супа юқорисида, атрофлари ўзлари ва кичик инилари фарзандлари билан тўлган. Келинлар ошхонада, набиралар эса ҳовли юқорисида... Кечки овқатдан сўнг урф–одатга кўра дилдан суҳбат бошланди. Мулоқот ўртасига етганида бирдан ҳаёлим кетди. Қандай қилиб бир инсонда шунча ҳислат бўлиши мумкин? Илм, ҳазилкашлик, салобат, зеҳн ва меҳрибонлик жам бўлган бу инсон яна бир бора юракларимизда хурмат қозонгандек бўлдилар... Бобомизнинг бир гаплари бор эди. Сенга ишонаман. Тўхтама! Бунданга юқори мартабага эга бўлишинга ишончим қомил. Ёшми, каттами, ҳар бир назира учун алоҳида вақт ажратар, ҳар биримиз учун алоҳида ёндашиб, алоҳида қизиқишларимизни инобатга олар эдилар. Натижада, уларданга яхшироқ суҳбатдош топа олмасак керак деган хулосага келар эдик. Файзулла бобожоним қолдирган меҳр, донолик ва гўзал хотиралар қалбларимизда абадий яшайди.

Муҳаммадмин,
Файзулла бобонинг набираси.

Ҳақиқатан ҳам мақоламиз қаҳрамони бўлган Файзулла Юсуповнинг камторона хизматлари раҳабарият томонидан муносиб кўрилиб, “Ўзбекистон соғлиқни сақлаш аълочиси” ва “Ўзбекистон Республикасининг 10 йиллиги” кўкрак нишони билан тақдирланган. Икки аср (XX ва XXI) да яшаб, минг ойнинг юзини кўрган, икки асрда яшаган, Умра амалини бажарган, Онасининг 110 йиллик тўйини тантанали ўтказиб дуоларини олишга улгурган табаррук инсоннинг охиратлари обод бўлсин. Файзулла Юсупов яқинлари, ҳамкасблари хотирасида абадий яшайди.

Суҳбатдош: Йўлдош ота ҚАРИМОВ,
Соғлиқни сақлаш фахрийси.

ЖОНГА-ЖОН ШИФОКОРЛАР

Мен 18 йилдан бери турли хасталиклардан азият чекаман. Тобим қочиб, оғир аҳволга тушиб қолган пайтларимда доимо тиббиёт ходимлари тезда етиб келишади. Ҳозир ҳам Янги Наманган тумани марказий шифохонаси терапия бўлимида саломатлигимни тикляпман.

Тиббиёт маскани жамоаси менинг тезроқ оёққа туришим учун сидқидилдан хизмат қиляпти. Бунинг учун туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари Ботиржон Маъмуровга, шифокор Исманов Бобуржонга ва ҳам-

шира Имомова Гулнозаларга чин дилдан миннатдорчилик изҳор қиламан.

Оғир дардга чалинганим учун қатор касалхоналар хизматидан баҳраманд бўлганман. Жумладан, бош врач Баҳодир Эгамбердиев раҳбарлигидаги вилоят юкумли касалликлар шифохонаси саломатлик қосбонлари ҳам оёққа туришимда кўмак беришган.

Вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази шифокорлари Зокиржон Ҳожиёв, Аъзамжон Набиев, рентгенолог Камолхон Ҳамзаёвлар тиббий ёрдандан ҳам ғоят мамнунман. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали

2-жарроҳлик бўлими жамоаси, айниқса врачлар Абдулаҳат, Давронжон, Рустамжонлар қаршисида доимо таъзимдаман.

Республика «Пахталикўл» фтизиатрия ва пульмонология тиббий реабилитация маркази 7-даволаш бўлими раҳбари Аъзамжон Тоштанов, урология бўлими мудир Муроджон Қўчқоров, пульмонолог врач Абдусамат Эшматовларга ҳам чин дилдан раҳматлар айтаман.

Эл саломатлиги йўлида бурчига садоқат билан хизмат қиляётган барча тиббиёт ходимларига оиламиз номидан миннатдорчилик изҳор қиламиз. Уларнинг шарафли хизматларида муваффақиятлар тилаймиз.

Муҳаммадали ХАЛИЛОВ.

■ Қарор лойиҳаси

НАРКОЛОГИЯ, ПСИХИАТРИЯ ВА ТИББИЙ ПСИХОЛОГИЯ БЎЙИЧА МАГИСТРАТУРА ВА КЛИНИК ОРДИНАТУРАДА 2 ЙИЛЛИК БЎЛИШИ КУТИЛМОҚДА

“Аҳолига наркологик ва психиатрик хизмат кўрсатиш тизимини трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори лойиҳасига кўра:

2026–2027 ўқув йилидан бошлаб наркология, психиатрия ва тиббий психология мутахассислиги бўйича магистратура ва клиник ординатура/резидентура битирувчилари учун ўқиш муддати 2 йил давом этиши белгиланмоқда.

Бунда, психиатрия ихтисослигини битирувчи курс магистрлари ва клиник ординатор/резидентларига ўқиш даврида психиатрия ва наркология муассасаларида психиатр ва нарколог шифокорлари лавозимларида ҳамда тез тиббий ёрдам психиатрик бригадасида фельдшер лавозимларида ўриндошлик асосида ишлашига рухсат этилиши кўзда тутиляпти.

Психиатрия ихтисослигини битирувчи курс магистрлари ва клиник ординатор/резидентларига катталар ва болалар психиатри (психоневролог), суицидолог шифокори бўлиб, наркология ихтисослиги битирувчи курс магистрлари ҳамда клиник ординатор/резидентларга эса нарколог шифокори бўлиб ишлаш

ҳуқуқи берилиши режалаштирилган.

Психиатрия ва наркология ихтисосликларини битирувчи курс магистрлари ва клиник ординатор/резидентларига ҳамда тез тиббий ёрдам психиатрия бўйича кўшимча ихтисослаштириш курслари битирувчиларига тез тиббий ёрдам психиатр шифокори бўлиб ишлаш ҳуқуқи берилиши мумкин.

Шунингдек:

2030 йил якунига қадар руҳий саломатлик хизматига бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб мутахассисларини магистратура ва клиник ординатура/резидентура босқичида тайёрлашда тўлиқ давлат гранти асосида қабул қилиниши;

олис ҳудудларда нарколог, психиатр, тиббий психолог, психотерапевт ва тез



тиббий ёрдам психиатрик бригадасининг тиббий ходимлари бўлиб ишлаётган мутахассисларнинг яшаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 бараваридан ошмаган миқдорида ижара ҳақлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаб берилиши;

2027 йил 1 январдан бошлаб туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларида психиатр, болалар психоневрологи (болалар психиатри), тиббий психолог, нарколог, тез тиббий

ёрдам психиатрик бригадасининг шифокор ҳамда психиатрия ва наркология даволаш муассасаларида фаолият юритаётган психиатр, нарколог, тиббий психолог, психотерапевт ҳамда суицидологларнинг лавозим маошига, лавозимидан қатъи назар, зарарли меҳнат шароитлари учун иш ҳақиға устама миқдори 100 фоизга оширилиши кўзда тутилмоқда.

РУҲИЙ САЛОМАТЛИК МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

2027 йил 1 январдан Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент шаҳар психиатрия хизмати бўйича филиали негизда Руҳий саломатлик миллий тиббиёт маркази ва унинг 14 та ҳудудий филиали ташкил этилиши кўзда тутилмоқда.

“Аҳолига наркологик ва психиатрик хизмат кўрсатиш тизимини трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори лойиҳасидан бунга доир тегишли вазифалар ўрин олган. Шунингдек, лойиҳага кўра, мазкур марказ ҳузурида Тошкент шаҳар болалар психоневрология маркази Республика болалар руҳий саломатлик маркази этиб қайта ташкил этилиши белгиланган.

Бунда:

– ушбу муассаса болалар психиатрия хизмати бўйича бош муас-

саса ҳисобланади ҳамда Тошкент шаҳридаги тиббиёт олий таълим муассасаларининг тегишли кафедраларига асосий клиник база ҳисобланади;

– Республика, шу жумладан, Тошкент шаҳри аҳолисига хизмат кўрсатади;

– кўп тармоқли марказий поликлиникалар, шунингдек, маслаҳат-диагностика бўлимларида катталар психиатри, болалар психоневрологи (болалар психиатри), нарколог, тиббий психолог ва уларнинг ҳамшираларидан иборат

бўлган бирламчи руҳий саломатлик бўлинмалари ташкил этилади.

Бундан ташқари, Республика руҳий касалликлар клиник шифохонаси тугатилиб, унинг негизида Марказ клиникаси очилади.

Тошкент шаҳар руҳий-асаб касалликлари диспансери негизида эса Марказнинг Тошкент шаҳар филиали фаолияти йўлга қўйилади.

Қуйидаги муассасалар тугатилади ҳамда Марказнинг Тошкент шаҳар филиали таркибий бўлиниши сифатида қайта ташкил этилади:

– сонли Тошкент шаҳар руҳий-асаб касалликлари диспансери;

– Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт марказининг наркология хизмати бўйича Тошкент шаҳар филиали;

– Тошкент шаҳар наркология мажбурий даволаш шифохонаси.

@ssvuz

■ Дил изҳори

СОҒЛИҚНИНГ ЎРНИ БОШҚАЧА...

Инсон ҳаётида соғлиқнинг ўрни беқиёсдир. Бежизга саломатлик – туман бойлик дейилмайди. Бошингиз ёстиққа етганда эса тан-сиҳатлик қанчалар бебаҳо неъмат эканлигини англайсиз. Яхшиямки, саломатлик посбонлари бор. Дард чеккан лаҳзаларингизда шифокорлар дарҳол келишади.

Мен яқинда Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази наркология хизмати бўйича филиалида даволандим. Муассаса тиббиёт ходимларининг хизматидан ғоят мамнун бўлдим. Айниқса, филиал бош шифокори Отабек Топшўлатов, мажбурий даволаш бўлими раҳбари Камолхон Турсуновларнинг амалий ёрдами билан соғлом ҳаётга қайтдим. Бунинг учун филиал жамоасига чин дилдан раҳматлар айтаман. Ҳамиша омон бўлинг, саломатлик посбонлари!

Наргиза
ДАДАБОЕВА,
Наманган вилояти.

Китай впервые одобрил вывод на рынок медицинского устройства, работающего по принципу «мозг-компьютер»

КИТАЙСКИЙ РЕГУЛЯТОР ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ ДАЛ РАЗРЕШЕНИЕ НА ПРОДАЖУ СИСТЕМЫ ИНТЕРФЕЙСА «МОЗГ-КОМПЬЮТЕР» (BCI), ПОМОГАЮЩЕЙ ВОССТАНОВИТЬ СПОСОБНОСТЬ ДВИГАТЬ РУКАМИ. ЭТО ПЕРВОЕ В МИРЕ РАЗРЕШЕНИЕ НА КОММЕРЧЕСКОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ УСТРОЙСТВА BCI.

Устройство разработано компанией Borui Kang Medical Technology (Шанхай), и его технология направлена на восстановление двигательных функций и способности к общению у людей, страдающих различными формами паралича. Прибор разработан для пациентов с квадриплегией, вызванной травмами шейного отдела спинного мозга, и помогает им восстановить способность хватать предметы руками с помощью перчатки.

Устройство представляет собой инвазивную си-

стему интерфейса мозг-компьютер, что означает, что электроды вводятся непосредственно в мозг, а не располагаются на его поверхности. Оно использует минимально инвазивную экстрадуральную имплантацию, основанную на беспроводной технологии.

Национальное управление по медицинским изделиям Китая заявило, что продукция BCI получила приоритетное рассмотрение, отметив, что этот сектор был отнесен к «отрасли будущего» в последнем пятилетнем плане Пекина, опубликованном на прошлой неделе. По словам экспертов, в Китае технология интерфейса мозг-компьютер (BCI) может перейти в практическое использование в течение трех-пяти лет по мере совершенствования продуктов, поскольку Пекин стремится догнать американские стартапы, включая Neuralink Илона Маска.

К участию в исследовании допускаются пациенты в возрасте от 18 до 60 лет, страдающие определенным видом травмы спинного мозга. Диагноз должен быть поставлен не менее года назад, и пациенты должны




находиться в стабильном состоянии в течение шести месяцев после стандартного лечения. Пациенты должны быть неспособны хватать предметы руками, но сохранять некоторую функцию верхней конечности.

Данные клинических испытаний показали значительное улучшение способности к захвату предметов руками у участников, заявили в регулирующем органе, добавив, что эти улучшения помогли повысить качество жизни пациентов.

Можно ли оградить себя от вирусов и бактерий

ОБЩЕИЗВЕСТНО, ЧТО БОЛЕЗНИ ВЫЗЫВАЮТ ВИРУСЫ И БАКТЕРИИ, ОДНАКО ПРОСТУДОЙ МОЖНО ЗАБОЛЕТЬ ДАЖЕ В ИЗОЛЯЦИИ.



Дело в том, что полностью оградить себя от микроорганизмов в реальной жизни невозможно, рассказала "РГ" терапевт клиники Remedi Александра Митькина. Она пояснила, что вирусы и бактерии присутствуют в воздухе, на поверхностях, на продуктах, а также могут передаваться через предметы, посылки, воду, а не только через контакт с другими людьми. Например, заразиться можно даже от пакетов, за которые держался курьер или от кнопок в лифте, на которые кто-то до этого чихнул, отмечает директор компании "ЛабКвест" Любовь Станкевич.

При этом вирусы распространяются очень быстро, но чемпионом среди

них считается вирус кори, добавила она.

"Достаточно находиться с больным человеком в одном здании, пусть даже на разных этажах, при общей системе вентиляции вирус кори с вероятностью, близкой к 100%, заразит всех, кто не привит", – сказала медик.

Кроме того, многие вирусы способны длительно сохраняться в организме в "спящем" состоянии, обратила внимание Митькина.

При снижении иммунной защиты они могут активироваться и вызывать симптомы, похожие на простуду. Причиной снижения иммунитета становятся стресс, переутомление, дефицит сна, переохлаждение и общее состояние здоро-

вья, уточнила иммунолог Татьяна Мерзлякова.

Бактерии также живут внутри нас. Та же гемофильная палочка может обитать в составе биоценоза ротоглотки, добавляет Станкевич.

И пока с иммунитетом все в порядке, она просто присутствует. Золотистый стафилококк, даже пневмококк тоже могут какое-то время никак себя не проявлять.

"Но наступает неблагоприятный момент для организма: падение общего иммунитета, падение местного иммунитета, переохлаждение, внедрение на слизистую вируса - и, пожалуйста, наша собственная бактерия становится источником инфекции, иногда очень серьезной", – подчеркнула врач.

Вот и выходит: для того, чтобы заболеть, контакт с другим человеком совершенно не нужен. Тем не менее, люди, которые, действительно, живут в полной изоляции и не контактируют с другими, болеют очень редко, обратила внимание заведующая педиатрическим отделением клиники "Персона" Софья Капустина. "Они не получают новых инфекций извне.

Заболевания, если и случаются, то связаны они с внутренними сбоями" – заключила медик.

Бесконтактный измеритель пульса оценит риск инфаркта у экстренных больных



Специалисты Института автоматизации и процессов управления Дальневосточного отделения РАН совместно с коллегами создали модернизированный алгоритм обработки данных для дистанционной и высокоточной оценки скорости пульсовой волны.

Это ключевой параметр, используемый медиками для мониторинга инфаркта и инсульта, в том числе непосредственно во время хирургических вмешательств. В традиционной клинической практике для оценки этого показателя применяются нательные датчики. Однако их использование невозможно для определенных категорий пациентов, например, людей с обширными ожоговыми травмами.

Альтернативные визуальные системы бесконтактного измерения долгое время не давали необходимой достоверности результатов. Для повышения точности исследователи применили подход, основанный на одновременном анализе видеоряда и сигналов электрокардиографа.

«Предложенный метод позволяет адекватно оценивать скорость распространения пульсовой волны от сердца до любой точки тела без контакта с пациентом. Это открывает

возможность применять его там, где контактные датчики использовать нельзя, – например, во время хирургических операций.

Наша главная задача — превратить этот пока экспериментальный инструмент в эффективный клинический метод», – рассказал руководитель проекта, главный научный сотрудник лаборатории функциональных материалов и систем фотоники Института автоматизации и процессов управления ДВО РАН Алексей Камшилин.

Как поясняют специалисты, в время стандартных медосмотров и операций врачи следят не только за пульсом и артериальным давлением.

Скорость пульсовой волны отражает темп распространения импульса крови по сосудистому руслу. Этот параметр напрямую зависит от жесткости сосудистых стенок: чем они ригиднее, тем выше скорость волны.

Повышенная жесткость свидетельствует о том, что сосуды хуже компенсируют перепады давления, что создает избыточную нагрузку на сердечную мышцу и многократно увеличивает риски острых сосудистых катастроф.

Соҳа янгиликлари

ФАРМАЦЕВТИКА МАҲСУЛОТЛАРИ СИФАТИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ ОШИРИЛАДИ

Фармонга кўра, 2026 йил 1 июндан фармацевтика ва бошқа ишлаб чиқарувчи корхоналарга, истисно тариқасида, солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича БХМнинг 2 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда қарздорлик мавжуд бўлганда, қарздорлик ушбу миқдордан юқори бўлган ҳолатларда эса қарздорлик шакланган кундан бошлаб 10 кун муддатда давлат харидларида иштирок этишга рухсат берилади.

Шунингдек, 2028 йил 1 январдан бошлаб:

– биологик фаол қўшимчаларга рухсатнома беришда Хатарлар таҳлили ва критик назорат нуқталари (НААСР) тизими жорий этилганлиги талаб этилади;

– биологик фаол қўшимчалар мажбурий рақамли маркировкадан ўтказилади.

Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти, Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти ва “Шарқ табобати” илмий-тадқиқот институти негизда Миллий биофармацевтика илмий-тадқиқот институти (Институт) ташкил этилади.

ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИ

“Фармацевтика тармоғида ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва илмий тадқиқот жараёнларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Фармони қабул қилинди.

Фармонга кўра, 2026 йилда фармацевтика тармоғини ривожлантиришнинг асосий мақсадлари этиб қуйилган белгиланди, жумладан:

– ишлаб чиқариш ҳажмини 8,5 трлн. сўмга етказиш;

– қиймати 1 млрд. АҚШ доллари бўлган истиқболли инвестиция лойиҳаларини шакллантириш;

– 800 млн. АҚШ долларлик янги инве-



стиция лойиҳаларини бошлаш.

Фармонга кўра, оригинал дори воситаларининг патент муддати ту-гагандан сўнг 1 йил ичида:

– ушбу дориларнинг ишлаб чиқарувчиларига технологиялар трансфери харажатларининг 50 фоизи, бироқ 50 минг АҚШ долларида кўп бўлмаган қисми;

– ёки маҳсулотни яратишдаги илмий

тадқиқот харажатларининг 50 фоизи, бироқ 100 минг АҚШ долларида кўп бўлмаган қисми қоплаб берилади.

2027 йил 1 январдан “Зарур ишлаб чиқариш амалиёти – GMP” миллий сертификатига эга бўлган корхоналарга уларнинг ишлаб чиқариш линияларида сертификат амал қилиш муддатида биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқаришга рухсат берилади.

ОГУФУРУШЛИКНИНГ АЯНЧЛИ ОҚИБАТЛАРИ

Бугунги кунда энг долзарб муаммолардан бирига айланган гиёҳвандлик бутун дунё аҳлини ташвишга солмоқда. Шу сабаб унга қарши курашиш, ёш авлодни аср вабосидан сақлаш масаласига нафақат давлат идоралари балки жамоат ташкилотлари томонидан ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Гиёҳванд киши нафақат ўзини, балки ўз атрофидаги яқинларини ҳам ҳалокат гирдобига йўлиқтириши, гиёҳванд моддаларини истеъмол қилиши натижасида шахнинг муомала лаёқатининг чекланиши, унинг оқибатида эса ҳатто, ўз мол-мулкни тасарруф этиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиши, обрўси ва шаънига путур етиши айни ҳақиқат. Кейинги йилларда мамлакатимизда бу иллатга қарши кураш, бу каби моддаларнинг қонунга ҳилоф муомаласига қарши курашиш бўйича тизимли чоралар амалга оширилмоқда. Бироқ, сўнгги вақтларда гиёҳвандлик воситалари, аналоглари ва психотроп, шунингдек, кучли таъсир қилувчи моддаларнинг

қонунга ҳилоф муомаласи ортаётганлиги, айниқса, бу жирканч ишларга ёшлар ва вояга етмаганларни жалб қилиш ҳолатлари учраётганлиги барчамизни сергак тортишга ундайди. Холбой Тоиров (исм-фамилияси ўзгартирилган) гиёҳванд моддалар сотиш билан шуғулланганлиги учун муқаддам суд ҳукми билан озодликдан маҳрум қилиниб, жазони ўташ вақтида ўталмай қолган жазо муддати енгилроқ жазога алмаштирилиб, озодликка чиққан бўлса-да, бундан ўзига тегишли ҳулоса чиқармасдан, унга берилган имкониятни “имтиёз” деб қабул қилди. Ўз қилмишини давом эттириб, ўзининг жирканч жиноятга пушти камаридан бўлган ўғли

Шамшодни (исм-фамилияси ўзгартирилган) ҳам жалб қилади. Ота-бола яшаш уйларида сақлаб келаётган 49,6 грамм захри котилни (марихуана)ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимлар томонидан ўтказилаётган тезкор тадбирда “харидор” сифатида жалб қилинган фуқарога ўзларидан бўлган махсус электрон тарозидан ўлчаб, 10 миллион сўм эвазига сотган вақтларида тезкор ходимлар томонидан қўлга олинди. Суд муҳокамасида ишдаги барча ҳолатлар ўрганиб чиқилиб, ота-бола оғурушлар томонидан содир қилинган жиноят тўлиқ ўз исботини топди. Суднинг ҳукмига кўра, ота-бола Холбой ва Шамшод Тоировларга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 273-моддаси 5-қисми билан айбдор деб топилди. Холбой Тоировга илгариги ҳукм бўйича ўталмай қолган жазо муддати қисман қўшилиб, 11 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди ва Жиноят кодекси 34-моддасига асосан “ўта хавфли рецидивист” деб топилди, жазони махсус тартибли

колонияларда ўташ белгиланди. Шамшод Тоировга эса ёшлиги ва иштирокчилик даражаси инобатга олинди, Жиноят кодекси 57-моддаси қўлланилиб, 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди, жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланди.

Албатта, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, бу жиноятларни фож килиш ва айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортишга қаратилган қатор ишларни амалга оширмоқда. Фикримизча, бу жиноятларни фақат жазолаш ва бошқа маъмурий тақиб йўли билан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг кучи билан бартараф этиб бўлмайди. Бу саъий-ҳаракатлар аҳолининг ижтимоий фаоллиги, ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш билан уйғун ҳолда олиб борилгандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Шу мақсадда кенг жамоатчилик, хусусан, маҳалла, таълим муассасалари, жамғармалар ва ёшлар ташкилотлари имкониятларидан кенг фойдаланиш зарур. Бунда

ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этиш, спорт билан шуғулланишни кучайтириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун оммавий спорт тадбирларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш керак. Шу билан бирга, гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари ҳақида оммавий ахборот воситаларида тарғибот ва ташвиқот ишларини янада кучайтириш зарур.

Ҳулоса қилиб айтганда, жамиятимизни бу ижтимоий иллатдан тозалаш учун барча куч ва имкониятларни мувофиқлаштирган ҳолда курашмоғимиз лозим. Мадомики, шундай экан ҳамон тинчлигимиз, хавфсизлигимиз ва соғлимизга раҳна солиб турган гиёҳвандлик муаммосига қарши курашни бир дақиқага ҳам сусайтирмастекимиз даврнинг муҳим талабларидан биридир.

Шаҳзод БАҲТИЁРОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Қашқадарё вилояти
Чироқчи туман суди судьяси.



Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ISSN 2010-6149.

Электрон манзилми: www.uzssgzt.uz

Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда "O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Zdravooxranenie Uzbekistana" газетасидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлөзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев

Таҳририят манзили: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30 уй, 2-қават. Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41 уй/Тел/факс: (71)233-11-07.

Газета ҳажми
4 босма табоқ.
Формати А3. Офсет
усулида чоп этилган.

Адади - 546 дона.
Буюртма рақами Г-338.

Босмаҳонага
топирилиш вақти:
21-00. 3 4 5 6 7
Топирилди 23-00.